

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:2(09)+37

Худойберганова Гулнора Носировна

**“АВЕСТО”ДАГИ ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ
БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Мутахассислик: 5А 220403- Диншунослик

Магистр
Академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар:
т.ф.н., доц., Н.Муҳамедов

ТОШКЕНТ -2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ.“АВЕСТО”ДА ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ МОҲИАТИ	
1.1. Зардуштийликда диний-ахлоқий қарашларнинг ўрганишилиши.....	12
1.2 .“Авесто” пандномаларида диний-ахлоқий масалаларнинг ёритилиши.....	18
1.3. “Авесто”да ахлоқий қарашларнинг моҳияти.....	35
II БОБ. “АВЕСТО”ДАГИ ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ	
2.1. “Авесто”даги диний-ахлоқий қарашларни ўрганишнинг аҳамияти.....	45
2.2.“Авесто”да меҳнатсеварлик ҳамда ватанпарварлик ғояларининг ифодаланиши.....	50
2.3. “Авесто”да шахс тарбиясининг ифодаланиши.....	59
 ХУЛОСА.....	 67
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	70
 Атамаларнинг изоҳли луғати.....	 73

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли аجدодларимизнинг қадим маданий меросини маънавий қадриятларини тадқиқ ва тарғиб қилишга кенг имконият туғилди. Шундай қадрият намуналаридан бири “Авесто” дир. У нафақат диний, балки ноёб тарихий, таълимий ва қомусий ёдгорлик ҳисобланади. Охирги йилларда буюк донишмандлик мажмуаси бўлмиш бу асарни ўрганишга қизиқиш айниқса кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: “ Авесто” билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир карра шунга иқрор бўламизки, бу мангу китобда ифода этилган буюк қарашлар, фалсафий ҳикматлар ўзининг ҳаётий мазмуни билан бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиради.

“Авесто” нинг туб маъно моҳиятини белгилаб берадиган эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал деган тамойилда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устивор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир”¹.

Дарҳақиқат, “Авесто” ҳикмат ва сабоқлар хазинасидир. Бу асар жаҳон цивилизация ва умумбашарий маънавият тараққиётига бекиёс катта таъсир кўрсатди, инсоннинг ҳар жиҳатдан баркамол ва озод бўлишини мадҳ этди. Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталаридан I минг йиллик бошларигача ўлкамизда юзага келган “Авесто” кўп қиррали асар бўлиб, у илк давлатчилик муносабатлари, ижтимоий ахлоқий қарашларнинг ибтидоси ва такомили ҳақида қимматли маълумотлар беради. “Авесто” китобида мужассам топган ғоя ва фикрлар ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг нақадар чуқур мазмунга эгаллиги ва ўзининг абадийлиги билан, бу асарда, аввало,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б.32.

табиатга муносабат, табиатга ҳурмат туйғуси, борлиқ оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, табиат ва инсон уйғунлиги, атроф-муҳитни сақлаш ва асраш одамзотнинг энг асосий вазифаси экани тасвирлаб ва исботлаб берилгани билан бугунги кунда ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради”². Ушбу фикрлар тадқиқотимиз мавзусини, қолаверса, унинг долзарблиги ва моҳиятини белгилаб берди. Зардуштийлик узок ўтмишда минтақамиз халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқи аجدодларининг бошини эзгу ғоялар ҳамда уларга таянган илк давлатчилик жараёнлари атрофида бирлаштирган. Ўз даври учун инқилобий даражада юксак янги дунёқараш тизими - зардуштийлик шу қадар теран ижтимоий ва тафаккурий илдизларга эга эдики, кейинчалик мураккаб тарихий босқичларда ҳам халқнинг кундалик урф-одатларида, маросимларининг амалиёт қатламларида зардуштийлик ғояларининг турли кўринишлари трансформацион ҳолда сақланиб келмоқда.

Демократик ҳуқуқий жамиятни қарор топтириш жараёни давом этаётган бугунги шароитда янгича ижтимоий муносабатларни шакллантириш маданий мерос, жумладан “Авесто” сабоқларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Зеро, жамият аъзолари, хусусан, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишларида аجدодлар анъанаси ва ўтмиш қадриятлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида қайд қилинганидек, “миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётгани, бой миллий, маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат ёшлар тарбиясидаги муҳим омил саналади”³.

Зеро, “Авесто”да ифодаланган масалалар асосини маънавий-ахлоқий қарашлар ташкил этади. Ахлоқий меъёрлар ҳаётнинг бош мезони сифатида белгиланган бу асарда шахснинг жисмоний, маънавий, руҳий камолоти, ҳуққ

² Президент И. Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиши маросимидаги нутқи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001. - № 6. - Б.3 - 7.

³ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури (1997 йилда қабул қилинган). Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.-Б.23

атвори ҳақида ибратомуз фикрлар ўз ифодасини топган. Хусусан, шахс тарбиясида оила, жамият, меҳнат, ҳунар ва таълим ҳамда устознинг ўрни каби қатор масалалар ёритилган.

Бу эса зардуштийликдаги одоб, яхши хулққа доир ҳаётий тажрибалардан ҳозирги авлод, умуман, янгиланаётган жамият аъзоларининг маънавий-ахлоқий камолотига эришиш йўлида ижодий фойдаланиш имконини яратади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Авесто”га қизиқиш ўзининг узоқ тарихига эга. У дастлаб китоб шаклида тартиб берилиши, сўнгра пароканда қисмларининг қайта тикланиб, тугал ҳолга келтирилиши (VI аср ўрталарида) ҳамда XVIII асрдан ҳозиргача таржима ва тадқиқ этилиши каби жараёнларни бошдан кечирди. Илк ўрта асрларда “Авесто”га шарҳ маъносида “Авестони билиш” (“Зенд Авесто”) номли тафсир тизими юзага келди. Бунинг сабаби “Авесто” тилининг жуда қадимийлигида эди. Яъни, илк ўрта асрларда ўлкамиздаги туркий ва эроний тиллар вазияти учун “Авесто”нинг “тили” тушунарли эмас эди. Бу жараён ўз-ўзидан ушбу китобнинг моҳиятини илмий асосда шарҳлаб беришни талаб этар эди. Натижада “Авесто” маъноларининг талқини “Зенд”ни яратиш ўзига хос тадқиқот босқичи бўлган.

Авестошуносликнинг яна бир муҳим босқичи сифатида IX-XII асрлардаги Шарқ Уйғониш (Ренессанс) даврини кўрсатиш мумкин. Аммо, бу ўринда таъкидлаш лозимки, зардуштийлик кўп жиҳатдан расман ўз ўрнини ўлкамизда ислом динига бўшатиб берган эди. Шунга қарамай зардуштийлик халқ удумлари, урф-одатлари доирасида трансформациялашган шаклда давом этди. Айни шу нуқтаи назардан “Авесто”ни бир қатор ўрта аср алломалари тадқиқ этишган. Абу Райҳон Беруний қадимий тақвимлар билан боғлиқ ҳолда “Авесто”ни ўрганиб, қатор зардуштийлик даври урф-одатлари ҳамда байрамларига илмий баҳо берган эди⁴.

Авестошуносликда Ғарб олимларининг ўрни ҳам ўзига хос. 1771 йилда

⁴ Абу Райҳон Беруний. Осор ул – боқия, анал қурун ал-ҳолия. Танланган асарлар. Т-I. –Т.: “Фан”, 1967. - 486 б.

француз олими Анкетиль Дюперрон “Авесто”ни “Зенд Авесто” номи билан француз тилига таржима қилиб нашр эттирди. Шундан бошлаб Европада “Авесто” ҳақида турли тадқиқотлар юзага кела бошлади⁵. Жумладан, рус олими Л. Лелековнинг “Авеста” в современной науке” китобида авесташунослик бўйича 250 йилдан ортиқ вақт ичида яратилган 4000 га яқин илмий тадқиқот ишлари тарихшунослик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Шунингдек, рус олими И.С.Брагинский “Авеста”нинг адабий моҳияти атрофида фикр юритиб, айрим ўринларда ахлоқ тизими масалаларига ҳам ишоратлар бериб ўтган⁶.

С.Н.Соколов зардуштийлик ҳақидаги қарашларини “Тоҷик халқи тарихи” номли нашрнинг “Зардуштийлик” бобида баён этади⁷.

XX асрнинг иккинчи ярмида авесташуносликда жиддий тадқиқотлар амалга оширилди⁸. Булар қаторида Б.Ғофуровнинг “Тоҷиклар. Энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар тарихи” номли китобида зардуштийлик ва “Авесто” китобига алоҳида ўрин ажратилган⁹.

1990 йилда И.М.Стеблин-Каменский “Авесто”нинг “Яшт” наскидан бир қисмини рус тилига таржима қилиб нашр эттирди¹⁰. Шу муаллиф “Авесто”нинг янги таржималарини изоҳлар билан чоп эттирди ва унда тегишли ўринларда бизнинг мавзумизга оид баъзи маълумотларни учратиш мумкин¹¹.

1997 йилда Москвада “Авеста в русских переводах” номли йиғма нашрда берилган изоҳлар орасида мавзумизга оид айрим фикрлар учрайди. В.И.Абаев Зардушт, зардуштийлик ва “Авесто” кесимида қадимий скиф дунёси илдизларининг ўзаро туташ нуқталарини топишга ҳаракат қилади¹². Йирик монографик тадқиқотлар – И.Алиевнинг “Мидия тарихи”,

⁵ Лелеков Л. Авеста в современной науке. – М., 1992. – 363 с.

⁶ Брагинский И. Из истории таджикско-персидской литературы. – М.: ГРВЛ, 1972. – С. 114-115.

⁷ Соколов С. Духовная культура. В кн. История таджикского народа. Т. I. М.: ГВРЛ., 1963. – С. 168-187.

⁸ Bartholomae Ch. Altiranisches wörterbuch. – Strassburg., 1904. Қаранг: Л.А. Лелеков. Авеста в современной науке. М., 1992. – 299 с.

⁹ Гафуров Б. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – М.: Наука, 1972. – 664 с.

¹⁰ Авеста. Избранные гимны. / Перевод И. М. Стеблин – Каменского /. – Душанбе, 1990. – 196 с.

¹¹ Авеста. Видевдат. / Перевод И.М. Стеблин – Каменского /. – М.: ГРВЛ., 1994. – 160 с.

¹² Абаев В. Скифский быт и реформы Зороастра. – М., 1956. – С.24.

И.Дьяконовнинг ҳам шу номдаги китобида¹³, Б.Гофуровнинг “Тоҷиклар. Энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар тарихи” номли китобида¹⁴, А.Маковельскийнинг “Авеста”¹⁵ китобида ва бошқа нашрларда “Авесто”нинг тарихий баҳоси юзасидан бир-бирини тўлдирувчи, баъзан у ёки бу масалада фарқли қарашлар баён этилган. “Авесто”нинг илк макони С.Толстов фикрига кўра фақат Хоразм бўлиб, ўз даври учун бу тушунчани ҳозиргига нисбатан кенгроқ талқин этилган¹⁶.

Е.Бертельснинг 1960 йилда чоп этилган фундаментал тадқиқотининг “Авесто” деб номланган бўлимида “Авесто”нинг таркиби, ҳар бир бўлимидаги мазмун йўналиши, китобдан етиб келган озгина (тўртдан бир қисми) парчанинг қанчалик қимматли, адабий ва тарихий-маданий аҳамиятга эгалигини чуқур таҳлил асосида ёритиб берилган¹⁷. “Авесто” географияси масаласига юзлаб асарлар бағишланган бўлиб, улардан энг машҳури А.Маковельскийнинг “Авесто” номли китобини мисол қилиб келтириш мумкин¹⁸.

“Авесто” тарихшунослигининг мураккаблигини айти шу соҳа билан жиддий шуғулланган ва муҳим илмий мерос қолдирган Л.Лелеков қаламига мансуб монографиянинг кириш қисмида “Авесто”нинг Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё халқлари тарихий ўтмишини ўрганишда ўта муҳим ҳужжат эканлиги алоҳида таъкидланади¹⁹.

Президент Ислом Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиши маросимидаги сўзлаган нутқида шундай сўзлар бор: “Биз учун “Авесто” китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, балки миллатимизнинг ва унга хос бўлган

¹³ Дьяконов И. История Мидии. – М.- Л., 1956. – 485 с. ; Алиев И. История Мидии. – Баку, 1960. – 361 с.

¹⁴ Гофуров Б. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – М.: Наука, 1972. – С.46-66.

¹⁵ Маковельский А. Авеста. – Баку, 1960. - 144 с.

¹⁶ Толстов С. Древний Хорезм. – М.: Изд. МГУ., 1948. - 352 с.

¹⁷ Бертельс Е. История персидско - таджикской литературы. – М., 1960. - 523 с.

¹⁸ Маковельский А. Авеста. – Баку., 1960. –С.52.

¹⁹ Лелеков Л. Авеста в современной науке. – М., 1992. - 363 с.

кадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадрлидир”²⁰.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида Ўзбекистонда ҳам авестошуносликка эътибор кучайди. Н.М.Маллаев “Ўзбек адабиёти тарихи” номли дарслик яратганида “Авесто” бўлимини ўзбек адабиётининг энг қадимги сарчашмаларидан бири сифатида дадил талқин этган эди²¹.

“Авесто”ни ўрганишнинг янги босқичи мустақиллик даврида бошланди. Бу даврда, бир томондан, “Авесто”нинг рус ва форс тилларидан ўзбек тилига таржималари вужудга кела бошлади. Иккинчи томондан, уни турли йўналишларда тадқиқ ва тарғиб қилишга жадал киришилди. Бу соҳада Ҳ.Ҳомидов²², М.Исҳоқов, С.Ҳасанов, Ҳ.Бобоев, Т.Маҳмудов ва бошқа олимларнинг рисола ва мақолалари алоҳида ўрин тутди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда “Авесто”, асосан, тарихий ва филологик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга, академик А.Қаюмов “Авесто”нинг “Хурда Авесто” - “Кичик Авесто” номли йиғма китобини ўзбек тилига ўгириб нашр қилдирди²³. Бу даврда М.Исҳоқов, А.Маҳкам таржималари эълон қилинди²⁴.

“Авесто”нинг “Яшт” наскининг М.Исҳоқов таржимасида эълон қилиниши бир қатор илмий изланишлар учун асос бўлди²⁵. 2007 йилда “Авесто”нинг “Видевдот” китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, илмий изоҳлар билан нашр этилди. Ушбу изоҳли таржима нашрда ҳам мавзуимизга дахлдор айрим фикрлар учрайди²⁶.

М. Эшмуродовнинг “Авесто”да табиат культлари талқини” асарида ҳам зардуштийлик диний тизими билан боғлиқ ишонч, эътиқод шакллари ва

²⁰ Президент И. Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиши маросимидаги нутқи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001.- № 6. – Б.3-7.

²¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1964. – Б.53-72

²² Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. - 33 б.

²³ Қаюмов А. Хурда Авеста. // Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. – Б.18-32.

²⁴ “Авеста” алковлари / М.Исҳоқов тарж. // Ўзбек тили ва адабиёти. -1999. – № 1.-Б.70-79; № 2.-Б. 63-74; № 3.-Б. 63-72; № 4.-Б. 67-72; № 5.-Б. 72-74; 2000. – № 1.-Б. 63-74; № 2.-Б. 72-80; № 3.-Б. 70-76; № 4.-Б. 52-62; № 6.-Б. 62-69.

²⁵ Авесто. Яшт китоби. // М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. -126 б.

²⁶ Авеста: “Видевдот” китоби. – Т.: ТДШИ нашриёт - босмахона бўлими, 2007. - 96 б

уларнинг бадий-адабий талқинлари ҳақида фикр юритилган²⁷.

А.Эркаевнинг “Миллий ғоя ва маънавият” китобида “Авесто” маънавият тақомилининг энг қадимги (архаик) ва илк зардуштийлик босқичига оид ёдгорлик сифатида қайд этилади²⁸. Сўнгги йилларда “Авесто” орқали зардуштийлик фалсафасига оид жиддий тадқиқотлар Г.Махмудова томонидан олиб борилмоқда.²⁹

Ўтган асрнинг 90-йилларида яратилган илмий ишларда бевосита одоб-ахлоқ муаммоларини кенг тадқиқ қилиш вазифаси қўйилмаган. Жумладан, Ж.Йўлдошев, С.Ҳасановнинг “Авесто”да ахлоқий-таълимий қарашлар” рисоласида бу масала ёдгорликнинг умумий мундарижаси ҳақидаги маълумотларда мухтасар ёритилган бўлса, Ҳ.Ҳомидовнинг “Авесто файзлари”, С.Нишоновнинг “Комил инсон тарбияси” тадқиқотларида зардуштийликнинг таълим тизими, устозлар талқини, Ҳ.Бобоев, С.Ҳасановнинг “Маънавиятимиз сарчашмаси” китобида инсон камолотида ахлоқий тарбиянинг ўрни ва ўқитиш шакллари хусусидаги қарашлар қисман таҳлил этилган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, “Авесто”даги диний-ахлоқий қарашларнинг аксарият қисми бугунги кунда ҳам алоҳида қимматга эга.

Ҳозирги кунда “Авесто” масалалари муҳим илмий муаммо сифатида кўплаб мамлакатлар олимларини ўз атрофида тўплаган. Шу хусусияти билан авестошунослик жаҳон фанида махсус илмий соҳа бўлиб амал қилмоқда.

Зардуштийлик ва унинг мазмун-моҳиятини, ғояларини бирлаштирган “Авесто” китоби уч минг йилдан буён то ҳанузгача ўзининг фавқулодда сирлилиги, оқилона ҳаётчилиги, содда, айни чоғда илдизларининг қадимийлиги ва мураккаблиги билан илм аҳлини ўзига жалб қилиб келмоқда. Асрлар оша “Авесто”ни тушуниш, унинг турли қирраларини талқин қилишда олимлар бир нуқтага келишмаган.

²⁷ Эшмуродов М. Авестада табиат культлари талқини. – Т.: ТДПУ нашриёт - матбаа бўлими, 2002. - 97 б.

²⁸ Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. –Т.: Маънавият, 2002. – Б.100-111.

²⁹ Махмудова Г. Философская сущность Авесты. –Т..Изд-во журнала «Санъат», 2010. - 255 с. About native land of zoroastrianism and Avesta. USA, Kontinent, 2008. - 93 p.

Ўзбекистонда XX аср давомида олиб борилган археологик қазишмалар зардуштийлик диний ғоялари орқали талқин қилинадиган кўп миқдордаги ёдгорликларнинг топилишига олиб келди. Уларни илмий изоҳлаш масаласида “Авесто”ни жалб этмаслик эса асло мумкин эмаслиги аллақачон эътироф этилди³⁰. Бу вазифа бугунги кунда авестошуносликда анъанавий ҳолга кирди ва кўплаб хулосаларни қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Бу эса авестошунослик ахборот базасини тўлалигича қайта баҳолаш ҳамда танқидий кўриб чиқишни талаб этади³¹.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда авестошуносликнинг эндигина илмий асослари яратилмоқда. “Авесто” тадқиқотларида ҳали етарли ҳал бўлмаган муаммолар ўз ечимларини кутмоқда. Бу масалада биз Президент Ислон Каримовнинг қуйидаги сўзларини назарий асос деб билдик: “Авесто”да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади.

Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади”³².

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг мақсади зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”даги диний-ахлоқий қарашларни аниқлаш, уларни баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат. Ишнинг мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Зардуштийликда диний-ахлоқий қарашларнинг ўрганишилишини ёритиш;
- “Авесто” пандномаларида диний-ахлоқий масалаларнинг моҳиятини очиб бериш;
- “Авесто”да шахс тарбиясининг ифодаланишини ёритиш;

³⁰ Асқаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С.163.

³¹ Лелеков Л. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 67.

³² Каримов И. Юсак маънавият- енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б.32.

– “Авесто”даги диний-ахлоқий қарашларни ўрганишнинг аҳамияти очиб бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” ишнинг объекти, китобдаги диний–ахлоқий қарашлар тадқиқотнинг предмети қилиб олинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ҳозирги кунда “Авесто” масалалари муҳим илмий муаммо сифатида кўплаб мамлакатлар олимларини ўз атрофида тўплаган. Шу хусусияти билан авестошунослик жаҳон фанида махсус илмий соҳа бўлиб амал қилмоқда. Шу нуқтаи назардан мавзунинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Мавзуга оид илмий манбаларни ўрганиш асосида “Авесто”даги диний-ахлоқий қарашлар асослаб берилди;
- ”Авесто”даги диний-ахлоқий қарашларнинг мазмунини аниқланди;
- Баркамол инсонни шакллантиришда “Авесто”даги ахлоқий қарашларнинг аҳамияти очиб берилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Таълим тизимидаги ижтимоий-гуманитар соҳадаги ўқув фанлари, жумладан, “Диншунослик асослари”, “Дунё динлари тарихи” фанлари доирасида қўшимча маълумот сифатида фойдаланиш, аудиториядан ташқари тарбиявий тадбирлар мазмунини “Авесто”даги таълимий-ахлоқий қарашлар билан бойитиш мумкин.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация асосий мазмуни магистр томонидан чоп этилган 3 та мақолада акс этган.

Диссертация иши:

- Кириш;
- Асосий қисм(2 боб, 6 бўлим);
- Хулоса;
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- Атамаларнинг изоҳли луғатидан иборат.

I БОБ. “АВЕСТО”ДА ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ

1.1. Зардуштийлик диний-ахлоқий қарашларининг ўрганиши

Зардуштийлик инсоннинг муайян босқичда табиат ва жамиятга муносабати, нарса ва ҳодисаларни ўзига хос тушуниш тарзи, руҳий-маънавий эътиқод каби омиллар заминида пайдо бўлган. Халқимиз маънавиятининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган илк миллий-тарихий, диний-фалсафий ва ахлоқий-таълимий асослар, аввало, ана шу таълимот билан алоқадордир.

Табиийки, бу таълимот бирданига шаклланмади. Моддий-иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларини инсонпарварлик тамойили асосида ислоҳ қилишга қаратилган зардуштийлик мураккаб йўлини босиб ўтди. Барча динлардаги қатъий қонун-қоидага асосланганлик унга ҳам хосдир. Зардуштийлик ўз қонун-қоидалари билан кўпхудолилик, жаҳолат, қирғин, қавм ва элатлараро низолар, маънавий тубанлик, ахлоқсизлик каби иллатларга қарши курашда вужудга келди.

Зардушт асос солган бу дин мазмуни умумбашарий моҳияти билан катта нуфузга эга бўлди. Унинг муқаддас китоби “Авесто” бошқа диний китоблар каби қомусий характерга эга бўлиб, одам ва олам муносабатлари, шахс фаолияти ҳақида жуда бой маълумотлар беради. Муҳими шундаки, бу қарашларнинг умумий мазмуни ягона нуқтада жамловчи ва зардуштийликнинг туб моҳиятини ифодаловчи бош ғоя бор: бу – гўзал ахлоқ, маънавий поклик, етуклик ҳамда эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалдир. Бу қарашга алоҳида урғу берилиши ва инсон тафаккурининг мутлоқ борлиқ билан алоқадорлигининг устуворлиги жиҳатига кўра зардуштийлик бошқа динлардан фарқланади.

“Авесто”даги ахлоқий учлик ғояси энг қадим даврлардан бошлаб, кишилик жамияти тараққиётининг кейинги босқичларида яратилган барча таълимий асарлар мазмунининг шаклланишига асос бўлди.

Дарҳақиқат, “Авесто” китобидаги илоҳий мазмун ва теран қарашлар инсоният тафаккури тарихида алоҳида ўрин тутди. Асардаги ижтимоий, таълимий-ахлоқий, диний-маърифий фикрлар ўзининг умумбашарий моҳияти билан ҳамма замонлар учун долзарб ва ибратлидир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “бу китобда ифода этилган буюк ғоялар, фалсафий ҳикматлар ўзининг ҳаётий мазмуни билан бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиради”³³. Ана шу ҳаётий мазмун таркибининг катта қисми ахлоқ-одоб масалаларига бағишлангандир. Шу боис, “Авесто” эзгулик фалсафаси, ахлоқ кодекси ҳамдир.

“Авесто”даги ахлоқий қарашларга муносабатда зардуштийлик таълимоти ривождаги босқичлар, кишиларнинг турли даврларга оид турмуш тарзи ва маънавий-маиший шароитларни ҳисобга олиш зарур. Тадқиқотларда бундай босқичлар учталиги таъкидланади³⁴. Жумладан:

- 1) Жамият ҳали синфларга бўлинмаган даврларда уруғ, қабила ва элатларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари акс этган бўлиб, унда кўпхудолилик ақидаси сақланган ва табиат кучларини илоҳийлаштириш мавжуд эди.
- 2) Кўпхудоликдан якка Тангри Ахура Мазда эътиқодига ўтиш ва Зардушт фаолиятининг бошланиш даври.
- 3) Эзгулик ва ёвузлик кураши, маздапарастлик-зардуштийлик дини таълимоти даври.

Бу босқичларнинг ҳар биридаги ижтимоий-ахлоқий қарашлар “Авесто”нинг муайян қисмларида ўз ифодасини топган. Жумладан, биринчи босқичга хос қарашлар асосан, “Яшт” ва “Видевдот”да акс этса, иккинчи босқич учун бевосита муаллифи Зардушт бўлган “Гот” (гоҳ)лар характерли деб ҳисобланмоқда. Учинчи босқичда юқоридаги даврларда мавжуд бўлган қарама-қарши ақидалар, кучларнинг якка Тангри ғояси учун муросасиз кураш жарёни баён этилади.

³³ Каримов И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б.30.

³⁴ Маковельский А. Авесто.- Баку.: Изд. Ан АЗССР. 1960.-С. 48.

Иккинчидан, узоқ вақт мобайнида шаклланиб, такомиллашиб борган бу маънавий таълимот тарихий шароит ва замонлар тақозоси билан муайян ўзгаришга учрагани табиийдир. “Авесто”нинг асл нусхаси қадимги санскрит тилига яқин тилда ёзилган бўлиб, турли офат ва жоҳилликлар натижасида унинг айрим қисмлари нобуд бўлгани маълум.

Кейинги асрларда “Авесто” қисмларига турли ахлоқий-маънавий, ҳуқуқий қарашлар, диний урф-одатлар талқинлари кўшилиб борган. Жумладан, сосонийлар сулоласининг дастлабки подшоҳи Ардашер Бобокон Хирбадан номли донишмандга “Авесто”ни қайта тиклаш вазифасини буюрди. У бир қанча зардуштий уламолар билан ҳамкорликда обидани қайта ёзиб олиб, тартиб беради, шунингдек Шопур II даврида Озарпот Меҳроспандон ҳам “Авесто”нинг пароканда қисмларини тўплаб, алоҳида мажмуа тузади³⁵.

IX асрда ўрта форсий тилда ёзилган “Денкард” асарида “Авесто”нинг таркибий қисмлари, зардуштийликнинг ахлоқий, диний-фалсафий ва маънавий мундарижаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Зардуштийлик дини ва “Авесто” китобининг шаклланиш ва қарор топишидаги бу узоқ даврлар, шубҳасиз, улар ғоявий мазмунидаги қарашларнинг тадрижий такомилли, ижтимоий тузумлар билан боғлиқ жиҳатларини ҳам ифодалайди. Жумладан, зардуштийликнинг илк куртаклари пайдо бўлаётган даврда ахлоқий-маънавий қарашлар умумманфаатларни ифода этган бўлса, синфий жамият ва мулкӣ табақалашиш кучая борган сари улар моҳиятида юқори табақа вакиллариининг манфаатлари ҳам акс этган. Лекин “Авесто”нинг асосий мазмун-моҳиятини эзгуликни улуғлаш, инсон шахсининг камолотини таъминлаш учун кураш ғояси белгилайди.

Зеро, Зардушт таълимоти кишиларни фақат диний ақидаларни ўрганиб, ибодат билан шуғулланишга даъват этибгина қолмай, балки уларни фаолиққа, яратувчиликка ундаб, жаҳолатга қарши маърифат учун интилишга руҳлантиради. Шунинг учун ҳам авестошунос олимларнинг Зардушт

³⁵Ҳомидов Ҳ. “Шоҳнома”нинг шухрати.-Т.: “Ўзбекистон”,1991.-Б.39.

фалсафага ахлоқ категориясини олиб кирганлигини тан олишлари тасодифий эмас.

Зардуштийлик таълимоти воқеликни илоҳий тафаккур асосида тушунишга асосланган. Бу ҳол башарият ижтимоий онгидаги дастлабки босқичларга оид табиат ва жамият ҳақидаги ибтидоий тушунчалар билан боғлиқдир. Жумладан, эрамиздан аввалги IX асрда шакллана бошлаган бу таълимотда инсонларнинг табиат ҳодисаларида илоҳий қудрат ва пинҳоний сирни тасаввур қилганликлари, муайян тимсолларни уларнинг ифодаси сифатида тушунганликлари акс этган.

Кўпхудолик ҳам шундай тасаввурлар натижасидир. Даврлар ўтиши билан воқеликни илоҳийлаштириш жараёни якка худоликка олиб келди. Натижада умуминсоний қарашлар ҳам илоҳийлаштирилди, дунёвий ҳаёт муқаддаслаштирилди. Бу ҳол зардуштийлик таълимотидаги ахлоқий қарашларда ҳам акс этди.

Бошқача айтганда, илоҳий мифологик қарашлар сақланган ҳолда улар аниқ ҳаётий ва инсон тақдири муаммолари тасвирига қаратилди. Натижада баркамол инсон ва жамият муносабати концепцияси вужудга келди. Маздапарастлик таълимотининг бутун моҳияти ана шу концепция талқинида намоён бўлади. Зардуштийлик таълимоти тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, “Авесто”нинг тўлиқ мукаммал нусхаси бизгача етиб келмаган. Лекин унинг моҳияти маздапарастлик ақидаларини акс эттирувчи қатор манбаларда баён этилган. “Денкард”, “Бундахшин” шулар жумласидандир. VII-IX асрлар давомида яратилган бу асарларда зардуштийликнинг мазмуни, асосий ахлоқий қарашлари акс этган.

Халифа ал-Маъмун (813-833) ҳукмронлиги даврида донишманд Абдуфарибат томонидан ёзила бошланиб, IX аср охирларида Атурбат Ҳамид ўғли томонидан тугал ҳолга келтирилган “Динкард”нинг 9 китобидан 7таси бизгача етиб келган. Ўрта аср форс тилида битилган бу асарда “Авесто”даги мифлар, Зардушт саргузаштлари ва етти тангрига алоқадор воқеалардан ташқари таълим-тарбияга бағишланган махсус боблар ҳам мавжуд. “Шунинг

учун ҳам ўрта асрларда “Авесто” ва зардуштийлик динини тарғиб қилиш, шу эътиқоднинг пайдо бўлиши тарихи, моҳиятини ўрганишда ушбу манбанинг қиймати беқиёс. Барча авестошунослар, таржимон ва луғатнависларнинг кўпроқ “Денкард”га мурожаат этишларининг боиси ҳам худди ана шундадир”³⁶.

“Бундахшин”нинг бизгача Эрон нусхаси (“Катта Бундахшин”) ва “Ҳинд нусхалари” етиб келган. Ўттиз тўрт фаслдан иборат бу нодир манбада, бир томондан, оламнинг яратилиши, яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш батафсил баён этилса, иккинчи томондан, бошқа ёзма ёдгорликларда учрамайдиган қатор илмий-ахлоқий фикрлар, аجدодларимизнинг таълим-тарбияга оид қарашлари акс этган. Бу китоб, айниқса, қадимги таълим-тарбия тизими, ахлоқий қарашларни ўзида ёрқин мужассамлаштирганлиги билан қимматлидир. “Донишманднинг ўз фарзандига насиҳати”, “Устознинг биринчи синф ўқувчисига панди”, “Солномашунослик хусусида” каби қисмларида ёшлар тарбияси, бу жараёнда ота-она ва жамоатчиликнинг бурчи, муаллимларнинг вазифалари, ёшларнинг мактабда ва одамлар орасида одоб-ахлоқини намоён қилиш йўллари, умуман, ёшларни етук шахс сифатида шаклланишлари учун қандай ахлоқ меъёрларига риоя қилишлари ҳақида фикр юритилган³⁷.

“Авесто” асосий қисмларининг турли сабабларга кўра пароканда бўлиб кетиши асарни бутунлай йўқота олмайди, албатта. Улардаги мазмун турли таржима ва шарҳлар орқали бизгача етиб келди. VI асрда паҳлавий тилида яратилган қўлёзма манбалар “Авесто” қисмларининг мукаммал нусхаларидандир. Улар, асосан, панд-насиҳат характеридаги ибратли ҳикоят ва ахлоқий фикрлар бўлиб, андарзлар-ўғитлар мажмуидир. Буларнинг бир қисми “Шарқ ёзма ёдгорликлари” туркумида “Пехлавийские назидательные тексты” номи билан рус тилида чоп этилган³⁸.

³⁶ Ҳомидов Ҳ. “Авесто” ва адабиёт / “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1999. №7.-Б.90.

³⁷ Изведать дороги и пути праведных. / Транскрипция и перевод О. Чунаковой.-М.: Наука, 1991.-С. 92.

³⁸ Ўша манба.-С. 95.

Зеро, “Авесто”да ифодаланган масалалар асосини маънавий-ахлоқий қарашлар ташкил этади. Ахлоқий меъёрлар ҳаётнинг бош мезони сифатида белгиланган бу асарда шахснинг жисмоний, маънавий, руҳий камолоти, ҳуқуқ атвори ҳақида ибратомуз фикрлар ўз ифодасини топган. Хусусан, шахс тарбиясида оила, жамият, меҳнат, ҳунар ва таълим ҳамда устознинг ўрни каби қатор масалалар ёритилган.

Шунинг учун ҳам “Авесто”даги диний-ахлоқий қарашларни ўрганиш, ундаги ҳаётбахш қарашлардан бугунги таълим тизимида фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кун талабига мос келади.

1.2. “Авесто” пандномаларида диний-ахлоқий масалаларнинг ёритилиши

“Авесто” яратилгач, ундаги диний-ахлоқий қарашлар борган сари кенг ёйила бориб, асрдан асрга, авлоддан авлодга узатилди. Айниқса, ахлоқ-одоб, баркамоллик ҳақидаги насихатларга қизиқиш ва эҳтиёж барча даврларда кучли бўлган. Шу эҳтиёжнинг натижаси сифатида “Авесто” ўғитлари фақат Аҳура Мазда ёки Зардушт тилидан эмас, балки аниқ тарихий ёки афсонавий шахслар ва дастлабки муаллимлар тилидан ҳам баён этиладиги, бу ҳол улардаги қарашларни янада ҳаётийлаштиради, ҳаққонийлигини кучайтиради.

Ахлоқий ўғитларнинг асосий қисми шоҳ Хисрав Ануширвон (531-579), Шопур II (309-379) даврида коҳин Озорпот, Ануширвон замондоши Бок I Тафрид вазири Бузургмехр ва бошқалар тилидан баён этилган. Ўғитлар мавзуси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлиб, улар зардуштийлик таълимотининг бош ғояси – эзгуликни улуғлаш ва инсонни маънавий поклаш ақидасини тарғиб қилишга қаратилган. Уларнинг баён шакллари ҳам турлича бўлиб, ота ва фарзанднинг мулоқоти, муайян ҳикоят тавсифи ёхуд бевосита устозлар насихатлари тарзида ифодаланган. Лекин уларнинг барчасига хос асосий хусусият – ҳар қандай шароитда ҳам инсонни ҳақиқатга йўллаш, унинг онгига эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ақидасини сингдиришдир.

Инглиз авестошуноси М.Бойс зардуштийлик таълимотидаги ўғитларнинг кўпчилиги қадимда оғзаки анъаналар таркибида пайдо бўлиб, яшаб келгани ҳамда асосан монолог ёхуд диалог шаклида ифодаланганини, вақт ўтгач сари уларга бадийлик унсурлари қўшилиб борганини таъкидлайди ва шу билан бирга уларни қуйидагича гуруҳлайди: 1) ҳаётий кузатиш хулосаларига асосланган (“қариликка даво йўқ”); 2) фаросат ва сезгирликни тараннум этувчи (“Ўзингга фойдали киши билан дўст тутин”); 3) одоб-ахлоққа алоқадор (“Бурчга содиқлик – энг яхши ҳимоядир”) ўғитлар.

Бундан ташқари, ўғитларни мазмун-моҳияти кўра шартли равишда икки гуруҳга ажратади: 1) бевосита зардуштийликнинг диний ақидаларини тарғиб қилувчи ўғитлар; 2) маиший-маънавий мавзуга оид насихатлар³⁹.

Диний ақидаларни ташвиқ қилувчи ўғитларда, аввало, “зардуштийлик маросимларига риоя қилиш эзгулик” экани ва “ҳар икки оламга шубҳаланмай қарашнинг эса яхши”лиги таъкидланган.

Ўғитларда оила, ота-онага ҳурмат, бола тарбияси каби масалаларга алоҳида ўрин берилган. Зардуштийлар таълимотига кўра, ҳаётнинг давомийлиги, наслнинг аслини таъминлаш, аввало, оила қандай асосда қурилганига боғлиқ. Бунда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ва айна пайтда кўпхотинлик ахлоққа зид ҳолат сифатида қаттиқ қораланган, “яхши аёл билан умр ўтказиш – бахт”, “хотинсиз киши – бахтсиздир”, дейилади. Ўғитларда бу хулосалар аниқ ҳаётий тажрибадан келиб чиққан. Бинобарин, балоғатга етган йигит зурриёт қолдириш қобилияти бўла туриб, атайлаб уйланмай юрса, бадном қилинган – темир камар боғлаб юришга мажбур этилган. Балоғатга етган қиз ҳам ота-онаси ва жамоатчилик фикрига қарши шундай йўл тутса, қопга солиниб йигирма беш дарра калтакланиш билан жазоланган. Зеро, “ота-онанинг истакларини бажармаган ўғил фарзанд эмас” ҳикмати шундай кузатиш асосида юзага келган.

Тангри Аҳура Мазда оилали эркакларни оиласиз мардлардан кўра муҳтарам тутишини айтиб, “Кимда-ким балоғат ёшига етган йигитнинг уйланишига моддий ёрдам берса, унга бу дунёю у дунёда савоб ёғдиражагини, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл кўрсатмоқ ҳам мазҳабларнинг вазифаси эканини таъкидлаб, кимнинг хотини бўлса хотинсиз ва дунёда фарзандсиз кимсадан яхшироқдир” дея таълим беради⁴⁰.

Ўғитларда йигитларга қарата “бу дунёда уйлан ва ўз авлодингни ярат, жонкуяр бўл ҳамда бу йўлдан оғишма” дея мурожаат этади. Шу билан бирга, зардуштийлар ахлоқи бу йўлдан атайин адашганларни жазолаш орқали

³⁹ Изведать дороги и пути праведних. /Транскрипция и перевод О. Чунаковой.-М.: Наука. 1991.-С. 11.

⁴⁰ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 121.

тарбиялашни ҳам жорий этган. Чунончи, ўғил-қизлар 21 яшар бўлгунга қадар эркин жуфти ҳалол танлаш ҳуқуқига эга бўлмаган. Агар йигит қиз билан аҳду паймон қилиб, ота-оналар розилигисиз никоҳдан ўтмоқчи бўлса жамоа вакиллари бундай тўйни ўтказишган. Аммо, никоҳ ўқилганда ота-она розилигини олмаганликлари сабабли улар тегишли меросдан маҳрум қилинишлари эълон қилинган. Лекин, оила масаласида ёшлар эрки поймол қилинмаган, балки катталар, устозлар маслаҳатларига қулоқ тутиш, яхши-ёмонни фарқласа, ҳар бир эркак ва аёл “ўзи тўғри йўлни танлаши ва ҳаёти пок ва хирандманд ёр билан ўтишига эришиш” лозимлиги ҳам насихат қилинади. Бу жиҳатдан Озорпот Меҳроспандоннинг ўғитлари айниқса ибратлидир. Унинг ўз ўғиллари йўқ эди. Кўп илтижолардан кейин ўғли туғилди. Спитамон уруғидан бўлган Зардушт хотираси учун у ўғлига Зардушт деб ном берди ва насихатлар қилди: “Ўзинг учун аёлни ўзинг изла”, “Камтар аёлни дўст тут, қизингни мулоҳазали ва ақлли кишига бер. Зеро, бундай киши яхши ерга ўхшайди: унга нима экилса, анвойи неъматлар униб чиқаверади”, “Ўзгалар аёлларига кўз солма, акс ҳолда бўйнингда оғир гуноҳ қолади”⁴¹. Бу ўғитларда аёлга бефарқ бўлмаслик, балки уни дўст сифатида эъзозлаш, бошқалар хотинларига ёмон назар қилмаслик, вафо кўрсатиш зарурлиги таъкидланади.

Шу билан бирга, “эркак киши жуфти ҳалолининг ҳар томондан етук, билимли бўлиши ҳақида ҳам қайғуриши” зарурлиги таъкидланади: “Ўзингни изтироб ва оғир ғам босмаслиги, кейин афсус чекмаслигинг учун умр йўлдошингни, болаларингни билимсиз қолдирма” дея насихат қилиниши эр ва отанинг оила аъзолари камолоти йўлидаги бурчини эслатади.

Бунга жавобан аёл олдига ҳам муайян талаблар қўйилган. Табиийки, уларда ўша давр мафкураси билан изоҳланадиган баъзи қарашлар таъсири бўлса ҳам (“Сирингни аёлларга айтма” каби), умуман, аёлни эрга содиқлиги устувор шарт саналган. Шунинг учун “Эрнинг маслаҳатларини қилмайдиган,

⁴¹ Тўхлиев Б. Тафаккурнинг олис йўллари // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2001.- № 11.-Б.8.

унинг фойда ва зарарига, қувончи ва ғамига шерик бўлмайдиган хотин ҳар қандай душмандан ёмондир”⁴² дея уқтирилади.

Зардуштийларда оила одоби одатда ота-онани ҳурмат қилишга ўргатишдан бошланган. Бу жараён бола устоз қўлида таълим-тарбия олаётган муддатда ҳам давом этган. Зеро, ота-онани, катталар ва устозларни ҳурматлаш ҳар икки олам фаровонлигининг муҳим шарт, ахлоқий мезони деб қаралган. Шунинг учун ҳам кўплаб ўғитларда бу масаланинг учраши табиийдир. Иккинчидан, оила аҳиллиги ва фарзандлар камолоти аввало ота-онага боғлиқ эканлигига қаттиқ ишонишган ва ота-онали кишиларни омадли санашган.

Қадим аجدодларимиз савоб ва гуноҳни пухта англаб, ўзларини ёвуз ишлардан тийиш йўлларида бири – ота-она ибрати ва эъзози деб билишган, акс ҳолда катта гуноҳ қилишдан ва Тангри ғазабига дучор бўлишдан ҳайиқишган. Ўз навбатида, ота-оналари ҳам фарзандлари тарбиясида бурчларини тўғри англаб, чинакам маслаҳатгўй ва мураббий бўлишга интиланлар. Шунинг учун ҳам ота “Илм ва баркамоллик ўргатувчи, баркамолликка ундовчи устоз” сифатида улуғланса, она эса бошда кўтариб эъзозлашга лойиқлиги уқтирилади.

Маълумки, “Авесто” қисмларидаги панд-насихатлар турли даврларга оид бўлиб, уларда кишиларнинг бевосита турмуш тажрибалари ва ижтимоий-маиший қарашлари хулосалари умумлаштирилган. Бу хусусият оила аъзолари, хусусан ота-она ва фарзанд муносабатлари, одоб-ахлоқ меъёрларининг ифодаланишида акс этади.

Шунингдек, қуйидаги ўғитларда ҳам юқоридаги ибратомуз фикрларнинг турли маъно қирралари акс этган. “Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, Тангри унинг умрини узайтиради”, “Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз”, “Агар ота-онанг бирданига чақирса, аввал онангга жавоб қил”

⁴²Исҳоков М., Жўраев Ш. Авесто-эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал китоби. – Хива, 2008. – Б.18.

ва бошқалар⁴³. Бу панд-насихатлар Зардушт, коҳинлар ва пайғамбарларнинг насихатлари сифатида баён этилган.

Мухими шундаки, уларда насллар ва қариндошлар ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатнинг зарурлиги таъкидланадики, бу ахлоқий даъват катта тарбиявий аҳамият касб этади ва ҳамма даврлар учун ибратли қадрият сифатида бугунги кунда ҳам баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Қадимий обидалардаги ота-онага ҳурмат ғояси барҳаёт қадрият сифатида асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Гуноҳ ишлардан тийилишга ундовчи омиллар орасида оила шаъни ва нуфузини сақлаш алоҳида ўрин тутган. Шунинг учун бу хусусидаги даъватларда ҳар бир кишининг огоҳ бўлиши лозимлиги зарур ҳисобланган: “Ўз оилангиз, уруғингиз шаъну шавкати учун жирканч ёлғончиларга ўхшаб ёвуз фикр, ёвуз сўз ва ёвуз амаллар уруғини экманг”. Бу ўғитларга амал қилишда ота-онага, қариндошларга муносабатнинг мавқеи кўп марта таъкидланади.

Зеро, ота-она кўнглини ранжитиш, уларнинг ҳақли маслаҳатларини писанд этмаслик энг катта гуноҳлардан бири саналган. Қуйидаги ўғитга кулоқ тутайлик: “Ота-онани ранжитма. Ака-укалар, қариндош-уруғлар ва яхшилар билан яқин алоқада бўл, улар билан доимий алоқа ўрнат, уларнинг аёлларига ҳимоячи бўл”⁴⁴.

Бу ўринда оила аҳиллиги, яқинлар ўртасидаги илиқ муносабатлар, ўзаро ҳурмат, хусусан, аёлларни ҳимоя қилиш зарурлиги ахлоқий тамойилларнинг муҳим нуқталарини акс эттиради. Негаки, ҳар ким “Ўзининг шармандаю шармисор, руҳининг эса гуноҳкор бўлмаслигини истаса, ота-она ва устозларни хафа қилишдан қаттиқ тийилиши керак”.

⁴³ Исҳоқов М. Марказий Осиё халқларининг қадим ва илк ўрта асрлардаги маънавий ва маърифий ҳаёти ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. –Т.: Фан, 2005. – Б.148.

⁴⁴ Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. –Б. 92.

Бахтли бўлишнинг бир қирраси – ота-онаси бор бўлишдир. Шунинг учун ҳам уларни кадрлаш, ҳар икки оламда ҳам унутмаслик керак. Бинобарин, Озорпот: “Ота-онангни ҳурмат қил, уларга тавозели ва камтар бўл. Чунки ота-онаси бор киши шерга ўхшайди: у ўрмонда ҳеч кимдан қўрқмайди, ота-онаси бўлмаган киши эса бевага ўхшайди: у эса ҳеч нарса қила олмайди, истаган киши уни хўрлайди”, – дея хулоса қилади⁴⁵.

Ўғитларда фарзандларга ота-она анъаналарини давом эттириш, уларнинг эзгу ишларига содиқ бўлиб, дўст ва душманларини фарқлай билиш, бу ишларда фақат адолатга амал қилиш фарз эканлигига алоҳида урғу берилган. “Ота-онаси хафа бўлган ёки норози бўлган кишиларга яқинлашма, чунки адолатни алдов билан тутиб бўлмайди, сенинг дўстларинг ҳам қолмайди”. Бу ҳикмат фарзандни яхшини ёмондан, адоватни адолатдан фарқлаш, ҳаётга теран боқиш зарурлигидан таълим берадики, бу ҳам ахлоқий қадриятдир.

Ўғитларда савоб ва гуноҳ, бунёдкорлик ва бузғунчилик каби ўзаро бири-бирига зид қарашларнинг инсон ҳаётидаги ўрни талқинларига катта эътибор берилган. Буларнинг биринчиси инсонни ҳақгўйлик, яратувчилик ва камолот сари даъват этса, иккинчиси разолат, худбинлик ва ахлоқсизлик каби иллатларга гирифтор этишга уринади. Шунинг учун ҳар бир киши, аввало, огоҳликка ва ўзлигини англашга интилиши, яхши ва ёмонни кескин фарқлаб яшаши зарурлиги уқтирилади.

Зеро, қуйидаги насиҳатларда инсон фаолиятининг ҳар иккала оламда эзгу ва ёвуз ишига қараб баҳоланиши хусусида ибратли фикрлар баён этилган: “Ҳар куни ўз хатти-ҳаракатларингни баҳолаб бор: бугун мен қандай фойдали иш қилдим, қандай ёмон иш қилдим, қандай савобу, қандай гуноҳ қилдим, эзгу йўлдан қанча юрдим ва нолайиқ йўлдан қанча юрдим деб ўйла. Савоб ва гуноҳларнинг ҳисоби бўлсин, зеро кимда гуноҳларидан кўра савоблари кўп бўлса, адолатли Срош (арзларни тинглаш худоси) унинг қўлидан тутиб

⁴⁵Тўхлиев Б. Тафаккурнинг олис йўллари // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2001.- № 11.-Б.8.

жаннатга етаклайди. Кимки яхши ишлардан кўра гуноҳлари кўп бўлса, Абзариш дев (ёмонлик тимсоли) унинг қўлидан ушлаб дўзахга элтади⁴⁶.

Шунингдек, инсон бурчининг муҳим кирраларидан бири – ўз устозлари, бошлиқлар, ҳомийлар, умуман катталарга муносабатда акс этишига ўғитларда алоҳида урғу берилаган. “Кеча ва кундуз Тангрини улуғлаш”га аҳд қилган киши ўз ишини тўғри бажариши, устози, раҳбари ва отасини доимо эслаб юриши, хусусан, устоздан танбеҳ эшитмаслик, уни қийнамасликка интилиб, ўрганган билимларини фақат муносиб кишиларга бериш, бошқалардан тортиб олмаслик фарз сифатида таъкидланади.

Маълумки, зардуштийлик таълимотида инсон руҳи масалаларига салмоқли мавқега эга. Маздапарастлик ақидаси бўйича, одам ўлгандан кейин унинг руҳини қўлга киритиш учун дўзах ва жаннат, девлар ва шохлар ўртасида жанг бошланди. Бунда гуноҳкорлар руҳи дўзахга тортилса, яхшилар руҳини Меҳр, Суруш, Рашн каби ҳомийлар жаннатга элтади. Натижада ҳар кимнинг руҳи бу дунёдаги яхши ва ёмон амалларининг тимсоли сифатида олқиш ёхуд қарғиш олган ҳолда нариги дунёда яшаб юради. Бу ақидага қаттиқ ишонган кишилар руҳ поклиги йўлида ўз жонларини дўзахга топширмаслик учун ҳаракат қилганлар. Бу эса, шубҳасиз руҳ муқаддаслиги ва унинг ахлоқий тарбиядаги ўрни ҳақида қатор ўғитларнинг вужудга келишига имкон берган. “Орсизлик ва нокамтарлик йўлида жонни дўзахга топширмасликка” даъват этувчи бундай ўғитлар анчагина: “Қаҳр-ғазаб ва қасос учун ўз руҳингни қийнама”, “Жаннатга етмоқчи бўлсанг, руҳинг ғамини е, адолатли бўл”, “Доимо ўз руҳингни ўйла”, “Ҳеч кимни алдама, токи руҳинг азият чекмасин” ва бошқалар.

Руҳ поклиги, диёнатлилиқ ўғитлардаги етакчи қарашлардан биридир. Зеро, донолик, ҳақгўйлик, нодонлик, ғирромлик каби ўзаро қарама-қарши сифатлар асосида кишиларни одоб ва хушхулқ соҳиби бўлиш, эзгу ном қолдиришга ундовчи кўплаб насиҳатлар катта тарбиявий аҳамиятга эга.

⁴⁶ Изведать дороги и пути праведних./ Транскрипция и перевод О. Чунаковой.-М.: Наука, 1991.-С. 68.

Зардуштийлик таълимотига кўра ҳақиқий инсон ўзини эзгулик йўлига бағишлар экан, донишмандлик ва ақлу фаросатдан қанчалик баҳраманд бўлса, нодонлик ва жаҳолатдан шунчалик нафратлана олиши ҳам зарур. Чунки донолик ва нодонлик инсон қалбидаги ёнма-ён икки хислат бўлиб, биринчиси эзгу амалга, иккинчиси эса ёвуз амалга мойилдир.

Қатор ўғитлар инсонни бу икки жиҳатга огоҳлик билан ёндашиб, тўғри йўлни танлашга ундайди. “Донишманд кишилар маслаҳатларини ол”, “Дўстларим кўпайсин десанг донишманд бўл”, “Ўз билимингдан ўзгаларни баҳраманд эт”, “Оташдек пок ва дурахшон бўлинг”, “Собит деб ном чиқармоқчи бўлсанг, содиқ бўл”, “Бахтли бўлай десанг, диёнатли бўл”, “Дунё бойликлари кетидан қувма” ва бошқалар.

Нодонлик ёвузликнинг бир қисми бўлиб, кишини жаҳолат ва гуноҳга йўллайди, ахлоқсизликка йўл очади. Улуғ зотлар, устозлар ҳамиша бу ҳақда огоҳлантириб келишган. Ёмон ишлардан тийилишнинг муҳим омилларидан бири сифатида жоҳил, ғийбатчи, разил шахслардан йироқ бўлишга ва турмуш ҳодисаларига теран нигоҳ билан хушёр муносабат билдиришга ундашган. Бу ҳақда ўғитларда кўплаб намуналар учрайди: “Сирларингни нодонга айтма”, “Ёвуз билан бир йўлда юрма”, “Нодон билан кенгашма”, “Уяти йўқдан мол олма”, “Ҳасадгўйни ёрдамчи қилма”, “Ҳасадгўйга молингни кўрсатма”, “Кек сақлайдиган одамдан узоқ юр”⁴⁷, каби. Бу огоҳлантирувчи насиҳатларда ёвузликнинг кирдикорлари шахслаштирилган ҳолда улар характерини ифодаловчи номлар билан ифода этилган (“Нодон”, “ёвуз”, “уяти йўқ”, “ҳасадгўй”, “зоти паст”, “кек сақлайдиган”).

Зардуштийлик таълимоти дастурларида кўп учрайдиган тақдир ва амал, қалб ва руҳ тушунчалари инсоннинг маънавий покланиши ва ахлоқий камолотидан ривожланиш жараёнларини акс эттиради. Яздон ато этадиган тақдирда ҳар бир кишининг эзгу ёхуд ёвуз амали акс этиб, у қалбни тоза ёки нопок қилиши, руҳига эса хотиржамлик ёхуд безовталиқ бағишлаши

⁴⁷ Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. –Б. 92.

табиийдир. Ахура Мазда ҳар бир бандани ёмон йўлдан асранишга ва ахлоқан баркамол, етук шахс сифатида шакллантиришга даъват этади: ақллилик, бардошлилик, ишонувчанлик, эътиқодлилик, фаросатлилик ва бошқалар.

Бу ўринда ақлни шартли тарзда туғма ва амалий ақлга ажратиб, биринчисидан илоҳийлик, Тангри неъматини устувор бўлиб, у қалбни кўрқувдан, гуноҳ ва самарасиз фаолиятдан асраб, пировард ўлимни ўйлашга қаратилган бўлса, амалий (дунёвий) ақл ҳар кимнинг бевосита ўзига боғлиқ ҳолда аниқ ҳаётда “тўғри йўл танлаш, унда маҳкам туриш, нима бўлди ва нима бўлишини кўра билиш, бўлмайдиган нарсага ишонмаслик ва қилинмайдиган ишга уринмаслик” назарда тутилади. Бу иккала жиҳат ўзаро алоқадор бўлиб, инсон характери – дунёқараши ва амалий фаолияти уйғунлигига боғлиқдир. Зеро, характернинг вазифаси, ўзни ёмон ахлоқдан, ёмон ниятдан сақлаш ва эзгу ахлоқ меъёрларини эгаллашдир.

Бардошлилик ҳаёт давомида ишонч, эътиқод, фаҳм-фаросат каби фазилатлар орқали такомиллашиб боради. Шунга кўра “Авесто”да бу фазилатлардан ҳар бирининг қисқача таърифи бериладигани, улар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Уларнинг мазмуни, асосан қуйидагича:

Ишонч – ўзни қийинчилик ва ёмон фикрларни енгишга чоғлаш, фойдали меҳнат ва умуминсоний ишларга қодир деб билиш, ортиқча ниятдан тийиш;

Эътиқод – Якка Тангри ғоясига ишониб, уни девлар йўлидан фарқлаш, ўзни гуноҳ учун жазо борлигидан, савоб учун рағбат мавжудлигидан огоҳ қилиш;

Фаросат – нарса ва ҳодисаларга теран назар, ёвузликнинг зарар беришига йўл қўймаслик ва ўзни ҳар хил беҳуда истаклардан асраш.

Шу билан бирга бу фазилатлар қуйидагиларга амал қилинганда янада ибратлироқ бўлади: чинакам ақл ва билим ўзаро омукта бўлса, бойлик саҳоват ва ҳиммат билан қўшилса, эзгу сўз эзгу амални вужудга келтиради. Акс ҳолда билимсиз ақл қалбни маҳв этади, ҳимматсиз бойлик дев Ахриман хазинасига айланади, сўз ва амал қуруқ сафсата бўлиб қолаверади. Зеро, жисм ва руҳга ёлғон ва ёвузликдан озор етмасин десангиз, ўзингизни

тубанлик ва бахилликдан, хасислик ва тухматдан, ахлоқсизлик ва ғазабдан сақлаш насиҳат қилинади.

“Авесто”да ахлоқий тарбия инсоний фазилатларнинг эзгу мақсад йўлида ўзаро мувофиқлашган ҳолдаги ижодий жараёни сифатида баҳоланади. Бу жараёнда таълим, характер ва ақл-заковатга алоҳида эътибор берилиб, улардан ҳар бирининг ўрни таъкидланиб кўрсатилади. Жумладан, таълим шахсни улуғлаб, унинг камолотига хизмат қилса, яхши хулқ характери шакллантиради, ақл эса шахс ва унинг характери тақомиллаштириб, қалб ва руҳ тозаллигини таъминдайд.

Умуман, ахлоқий етукликка қаратилган барча ижобий сифатларда уларнинг зиди бўлган бирорта ҳам салбий жиҳатлар бўлмаса, чинакам ва тугал фазилатларга айланади. Чунончи, ақлда – манманлик, талантда – бахиллик, вазминликда – қасоскорлик, хулқда – тубанлик, сахийликда – талон-тарожлик, умидда – фаолиятсизлик, қарамда – таъмагирлик, билимда – қалбакилик бўлмаслиги зарурлиги қайд этилади.

Паҳлавий тилидаги ёзма ёдгорликда инсоний фазилатларни тарғиб ва ташвиқ қилишда турли баён усуллари кенг фойдаланилган. Бунда умумга қаратилган панд-насиҳатлар билан бирга таълимий ҳикматлар, савол-жавоблар (диалог – монолог) ва ахлоқий ҳукмлар каби шакллар ҳам қўлланилган. Булар кўпинча қоҳинлар, устозлар ёхуд оталарнинг шогирдлар ёки фарзандлар билан мулоқотлари усулида акс этади.

Қуйидаги мисоллар шулардан намуналардир.

- Инсоний фазилатлардан қайсилари энг афзал?
- Билим ва ақл.
- Улардан энг юқориси қайси?
- Шахсни гуноҳсиз, олижаноб ва қўрқмас қиладигани, ақл ишни тўғри ўрганишга, билим эса уни баҳолашга қаратилган.
- Қайси характер яхши?
- Ўзни тутта билиш ва тинчликсеварлик.
- Энг яхши тамойил?

- Очиққўнгиллик.
- Қайси истак ҳақиқатга яқин?
- Гуноҳсизликка интилиш.
- Қайси хулқ энг яхши?
- Ўтиқодда собитлик.
- Энг яхши фахр қайси?
- Бағрикенглик.
- Энг кучли душман?
- Жаллодлик⁴⁸.

Бу тушунчаларда ахлоқ меъёрини белгиловчи хислатлардан айримлари келтирилган бўлиб, уларнинг акси сифатида жаллодлик инсон ҳаёти, ахлоқнинг ҳам кучли душмани эканлиги таъкидланади. Бу мулоҳазалар “Авесто”даги ахлоқ меъёрлари билан ҳам мутаносибдир.

Муҳими шундаки, зардуштийлик таълимотида шахс тарбияси жараёнига ижтимоий воқелик, табиат ва жамият ҳодисалари, илоҳий ва дунёвий қарашлар билан боғлиқ ҳолда қаралган ва бунда инсон шахсига бевосита ва билвосита алоқадор омилларнинг бир қисми Тангри томонидан берилиши, бир қисми эса ҳар бир кишининг ахлоқи, ҳатти-ҳаракатидан келиб чиқиши таъкидланади. Шу нуқтаи назардан мооддий дунёдаги барча ҳодиса, нарсалар ва хислатлар, аввало, 5 қисмга ва уларнинг ҳар бири яна 5 қисмга – жами 25 қисмга бўлиниб, ҳар бирининг шахс ҳаётидаги ўрни белгиланган. Жумладан:

- тақдир тақазоси билан юзага келадиган;
- амалий ишлар туфайли пайдо бўладиган;
- табиат томонидан ҳадя этиладиган;
- ҳар кимнинг характериға боғлиқ бўлган;
- наслдан-наслга ўтадиган хислатлар. Булардаги диққатга лойиқ яна бир

жиҳат шундаки, шахс тарбиясидек мураккаб жараёнга таъсир қилувчи омиллар, уларнинг мусбат ва манфий жиҳатлари яхлит ҳолда олиб қаралган

⁴⁸ Изведать дороги и пути праведних. /Транскрипция и перевод О. Чунаковой.-М.: Наука. 1991.-С. 89.

ва инсоннинг ўзига ва иродасига боғлиқ хислатлар (амалий иш, характер ва наслдан келиб чиқадиган) устуворлиги кўзга ташланади. Бу ҳол ҳар бир қисмга хос сифатлар моҳиятида янада кўринади:

- 1) тақдир тақозоси билан юзага келадиган: умр ато этиш, хотин, бола-чақа, мансаб ва бойлик;
- 2) амалий фаолият туфайли белгиланадиган мақом ва хислатлар: қоҳин, жангчи, деҳқон бўлиш, очиқ кўнгиллик, жоҳиллик ва х.к.;
- 3) табиат томонидан ҳадя этиладиган хислатлар: хотинга муносабат, меҳнат қилиш, еб-ичмоқ, ҳаракат қилмоқ, ухламоқ;
- 4) ҳар кимнинг характериға боғлиқ сифатлар: муҳаббат, шон-шараф, саҳийлик, ҳаққонийлик, камтарлик;
- 5) ирсий хислатлар: инсон жисми, гўзаллик, ақл, хотира ва куч-қувват⁴⁹.

Бунда азалий ва вужудий хислатлар ахлоқ моҳиятини белгиловчи мезон қилиб олинган бўлса ҳам, асосий диққат инсоннинг яратувчилик салоҳиятига, ўзини ўзи англаш йўлидаги ҳаракатиға қаратилган. Шунинг учун тақдир ҳадя этган умрни эзгулик ёхуд ёвузлик билан ўтказиш инсоннинг ўзига боғлиқлиги алоҳида таъкидланади. Бевосита инсонни ахлоқан юксалтирувчи, маънавий покловчи хислатлар қиисмларнинг ҳар биридан ўрин олгани ҳам бежиз эмас. Айниқса, очиқ кўнгиллик, меҳнатсеварлик, саҳийлик, камтарлик, гўзаллик, ақл қаби эстетик тоифалари биринчи навбатда инсоннинг амалий фаолияти, характери ва насл асллигини сақлаш натижаси сифатида ифодаланишининг уқдирилиши ҳам асослидир.

“Авесто”даги ахлоқий сабоқларнинг бир қисми шоҳлар, вазирлар, умуман афсонавий ҳамда тарихий сиймолар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларға алоқадордир. Уларда тақдири азалға тан берган ҳолда, уни эзгу амал ва хуш ахлоқ билан безашға, қийинчиликларни енгиб, ирода ва умидворлик билан ақлни чарҳлашға даъват алоҳида бўрттириб тасвирланади. Бу жиҳатдан вазир

⁴⁹ Изведать дороги и пути праведных. /Транскрипция и перевод О. Чунаковой.-М.: Наука, 1991.-С. 85.

Бузургмеҳр билан боғлиқ воқеа ибратли бўлиб, бу сайёр сюжет сифатида яқин Шарқда кенг тарқалган ва паҳлавий ёзма ёдгорликларидан ўрин олган.

Сириялик ёзувчи Бар Эбрей (1226-1286)нинг “Четыре утешения” (Тўрт тасалли) ҳикоясида ушбу ҳикоя келтирилади. Унда айтилишича, Бузургмеҳр камокқа ташланганда, унинг дўстлари қуйидаги савол билан мурожаат этишган: “Сен бу бахтсизликка қандай тасалли топдинг?” У:

—“тўртта тасаллини ҳар куни бир неча бор такрорлаш билан” дея уларни санаб ўтган:

- 1) Бу фожеа пешонамга ёзилган эди, шунинг учун ундан қочиб қутула олмаслигимни билдим.
- 2) Бу қийноқ менинг кучимдан зўр бўлгани учун унга чидашга мажбур эдим.
- 3) Бундан ҳам даҳшатлироқ аҳволга тушишим ҳам мумкин эканлигини ўйладим.
- 4) Балки бундан қутилиш вақти яқиндир дея умид қилдим, гарчи буни аниқ билмасам ҳам”⁵⁰.

Бу воқеадаги ибратли жиҳат шундаки, унда бир томондан, тақдир концепцияси эътироф этилса ҳам, иккинчи томондан, инсоннинг мустақил фикрлаш, ўз қисматига ижодий муносабати инкор этилмайди. Балки тушкунлик, сабрсизлик, ғамгинлик, умидсизлик каби иллатларга қарши эзгуликка ишонч, иродалилиқ, бардошлилик, шукроналилиқ, умидворлик каби фазилатлар улуғланади. Бу ўринда инсон ҳаёт ва ўлим муносабатидаги муҳим нуқталардан бири – ҳамиша, ҳар қандай шароитда эзгулик ғалабасига ишонч туйғуси билан яшаш ғояси ишонарли талқин этилган.

“Авесто”даги ахлоқий ўғитлар табиат ва жамият, инсон ва ҳаёт ҳақидаги қадим қарашларнинг муҳим қисми бўлиб, бунда икки хусусият кўзга ташланади:

- 1) табиат ва коинот ҳодисаларини инсонга яқинлаштириш орқали эзгу хислатларни мадҳ этиш;

⁵⁰ Рассказы, освещающие разум и изгоняющие печаль.- Ленинград,1972. – С.220.

2) инсон ҳаёти ва яратувчилик фаолиятини илоҳийлаштириш йўли билан ундаги олийжаноб фазилатларни улуғлаш ва ёвузликни қоралаш.

Бу хусусиятларнинг ифодаси ривоят, афсона ва панднома каби асарларнинг характериға кўра одатда қиссадан ҳисса ёки таълимий-ахлоқий насихатлар шаклида ифодаланади. Уларда “Аша – Ҳақиқат одоби билан шарафланган зот саодатли экани” алоҳида таъкидланиб, қуйидаги даъват янграйди:

Сен бу хонумонда ёруғлик бўл!

Сен бу хонумонда абадий нур бўл!

Сен бу хонумонда мунаввар бўл!

Узоқ-узоқ замонлар то қиёматға қадар пойдор бўл, сен абад-абад, то маҳшар кунига қадар эзгу ва қудрат соҳиби бўл”⁵¹.

Бу ўринда диққатға лойиқ жиҳат шундаки, ахлоқий саодатнинг муҳим шарти сифатида бир хил маъноли уч сўз “ёруғлик”, “нур”, “мунаввар” сўзларига ўзгача урғу берилган. Бу тасодифий бўлмай, балки зардуштийлик таълимоти тимсолларидан бири “оташ”нинг бевосита ахлоққа алоқадорлигига ишорадир. Қиёмат кунига “пойдор” ва “эзгу қудрат соҳиби” бўлиш насихатида эса эзгулик, ахлоқ ва жаҳолат ўртасидаги курашда собитликка чақириқ акс этади.

Юксак ахлоқнинг бундай мақомлари, шунингдек, паҳлавий ёзма ёдгорликларида ҳамда “Авесто”нинг бошқа манба ва шарҳларида ҳам кўп учрайди.

Ривоятларға кўра, 150 йил умр кўриб, шунинг 90 йили давомида олий коҳин вазифасини бажарган Озорпотнинг ибратомуз фикрлари ҳам диққатға лойиқдир. У турмушнинг турли босқичларида, яхши ва ёмон дамларда инсон ўзини қандай тутиши, иродаси ва бардошни тоблаши ҳақида мулоҳаза юритади. Жумладан, бойлик ва лавозимға эришганда ҳамда қашшоқликка берилмаслик зарурлигини уқтириб дейди:

⁵¹ Авесто. /А. Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. –Б.90.

“Мен молу дунёга эга бўлганда сахийлик ва мурувватга, қашшоқликда ҳаракатчан ва тадбиркор бўлишга, юксак мартабага эришганда эса камтар ва одилликка амал қилишга интилдим. Чунки ҳаётда осойишталик жангу жадалдан афзал, умидворлик тушкунлик ва нафратдан аълодир, фаросат – ғазабдан тийилишдир. Зеро, бировга буйруқ берувчи ҳеч қачон чалғимайди, тобе киши янглишмайди, маслаҳатгўй эса алданмайди”⁵².

Инсоннинг маънавий камолотида ахлоқ мақомининг бундай юксак кадрлаши, шахсий-ахлоқий ўрнакка эътиборнинг кучайиши, инсон иродасининг ёвузлик ва ахлоқсизликка қарши чиниқтиришга даъват этилиши зардуштийлик таълимотидаги донишмандликнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Бинобарин, инсон гўзаллиги тушунчасининг бир қисми бўлган ахлоқ шахснинг жисмоний, маънавий баркамоллигини тарбиялашдаги асосий меъёри ҳамдир. Бунда турли масалалар, хусусан, одоб-ахлоқ хусусида узоқ асрлар давомида турмуш тажрибаларининг хулосаси сифатида шаклланган ҳикматлар – афоризмларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар “Авесто”нинг барча қисмларида, шунингдек “Зардушт пандлари” деб аталган тўпламда воқеалар баёни давомида ёхуд устозлар насиҳатлари таркибида учрайди. Уларни мавзу жиҳатдан шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) Тангрини улугловчи ҳикматлар:

- а) Яздон огоҳлик ва билим сарчашмасидир.
- б) Тангри – барча илм ва ҳунарлар калити.
- в) Тангри норози бандага жаннатда жой йўқ.
- г) Тангри яқин одам – яхши устоз.

2) Рост сўз ва ҳақгўйлик ҳақидаги:

- а) Рост сўз сендан қоладиган энг қутлуғ ёдгорликдир.
- б) Ёлғон сўзга оғиз очгандан бахт куши қочади.
- в) Ёлғонни ёддан чиқариш йўли – қасос олишдан воз кечиш.

3) Ватан ва дўстликни мадҳ этувчи:

⁵² Изведать дороги и пути праведных. /Транскрипция и перевод О. Чунаковой.-М.: Наука,1991.-С. 85.

- а) Ватаннинг тутуни ҳам ширин.
- б) Дўстлик риштаси поклик билан маҳкам тутилади.
- в) Пок ниятли кишилар дўстлик ва тўғрилиқ тарафдоридир.

4) Умр ва донолик тўғрисида:

- а) Қариликка даъво йўқ, ўлимга чора йўқ.
- б) Билим тенги йўқ бойлик, бойлик эса ўлчовсиз нарса.
- в) Ақли расо киши бахтли ва фаровондир.
- г) Яхшилар уйингга йўл солишга, изидан эзгулик ҳам келади.
- д) Адашганни тўғри йўлга бошлаган яхши одамдир.

5) Нодонлик ва гуноҳ ҳақида:

- а) Бахтсизлар ичида энг ашаддийси – гуноҳкор кишидир.
- б) Тоғ жилғаларидан биттасини қуритган одам Тангри душманидир.
- в) Орқасидан ғам келадиган қувонч шодлик эмас⁵³.

Халқ донишмандлиги ва тафаккурининг нодир дурдоналарига айланган ушбу ҳикматлар асрлар оша кишилар шуурини яхши хулқ, пок ният ва одамийлик каби фазилятлар билан равшанлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Ҳикматлар донишмандлик, ақл-заковат ва даҳоларнинг доно фикр ҳамда теран қарашлари ифодаси сифатида барча замонлар учун қадрлидир.

Халқ донишмандлигининг ифодаси “Авесто” ҳикматларининг кўпчилиги аллақачон мақолларга айланиб кетган ва даврлар ўтиши билан уларнинг турли вариантлари вужудга келган.

Халқимиз маънавий хазинасидаги ана шу бебаҳо дурдоналарнинг бир қисми бўлган “Авесто”даги ҳикмат ва мақоллар бугун ҳам “оталар сўзи” сифатида табаррук ва ибратлидир.

⁵³ Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. –Б. 92.

1.3. “Авесто”да ахлоқий қарашларнинг моҳияти

Зардуштийлик таълимотидаги илоҳий тафаккур борлиқдаги нарса ва ходисаларни Худо номи билан боғлаш, тимсоллаштириш ҳамда оламда эзгулик ва ёвузлик руҳлари мавжудлигини ва улар ўртасидаги кураш мунтазам давом этаётганини эътироф этилади. Жамият аъзолари бу руҳларнинг биттасига мансублиги таъкидланар экан, барчани фақат эзгулик томонида бўлишига эришиш – зардуштийликнинг идеалидир. Бу идеал асосида ахлоқий ва эстетик қарашлар муштараклиги ётади. Шунинг учун ҳам ахлоқий поклик, маънавий ва жисмоний баркамоллик чуқур мазмунга эга бўлиб, инсонда жаҳолату хурофотдан нафратланиш, борлиқ гўзаллигию бунёдкорлик меҳнاتини асраш ва кадрлаш туйғусини тарбиялашга қаратилган.

Зотан, ахлоқ кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб туришдан ташқари шахс, унинг онгини шакллантиради, маънавий маданият ривожига кўмаклашади. Бинобарин, “Авесто”нинг барча қисмларида баркамол, бунёдкор инсонга ҳурмат, еру осмон инъомларини ардоқлаш ғояси ифодаланади. “Авесто”даги ахлоқий қарашларни қуйидагича шарҳлаш мумкин:

Эзгу фикр – Якка Тангрига ишонмоқ, қаноат, ҳайрихоҳлик, меҳрибонлик, кечиримли бўлиш, инсофлилик, поклик, нафсни чеклаш, илмли, ҳақгўйлик ва ҳоказо.

Эзгу сўз – Тангрига ҳамду сано айтмоқ, тўғрисўзлилик, эътиқодда собитлик, салом ва таъзимли бўлмоқ, ростгўйлик, ўйлаб гапирмоқ, ширинсўзлик ва ҳоказо.

Эзгу амал – Ҳалол меҳнат қилмоқ, хиёнат этмаслик, серғайрат бўлмоқ, ожизларни қўллаш, Ватанга хизмат қилмоқ, инсонпарварлик, ота-она ва устозни эъзозлаш, меҳмондўстлик, адолатпарварлик ва бошқалар.

Зардуштийлик таълимотида жамият маънавий ҳаётининг моҳияти кишиларнинг шахсий-ахлоқий камолот даражаси билан белгиланади. Бундай камолот ахлоқнинг уч тамойили – эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлигига

асосланиб, иймонли бўлиш, сўзда ҳам, фаолиятда ҳам эътиқодга содиқликни билдиради.

Ардвисура алқовида бу қоида андеша, сўз, иш бирлиги сифатида алоҳида таъкидланади:

Спитакий кўнглига
 Менга иймон келтириш
 Фикрини солиб қўяй
 Сўзлари ҳам амали
 Мос бўлсин худди қолип⁵⁴.

Бу тамойиллар ички мантиққа эга бўлиб, бири иккинчисини тақозо қилади ва изчил ҳамда яхлит маънони вужудга келтиради.

Булардан ҳар бирининг мазмун-моҳияти лўнда ва аниқ изоҳлаб берилган:

Эзгу фикр нима?
 – Дастлабки пок ният.
 Эзгу сўз нима?
 – Муқаддас сўз.
 Эзгу амал нима?
 – Алқов қўшиғи ва пок хилқатни эъзозламоқ⁵⁵.

Том маънодаги баркамол инсонда бу учала тамойил ҳам ўз ифодасини топган бўлиши шарт. Бинобарин, зардуштийлик динидаги ҳар бир инсоннинг жамоа манфаати ва идеалига муносабати ана шу учликка амал қилиши билан белгиланган. Бу бежиз эмас: “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бирлиги инсонни комиллик сари етакловчи руҳ бўлиб, унга эришган одам Тангрига яқинлашиб боради. Ҳақ йўлида эзгу амаллар ила ахлоқий покликка эришган, шуурини тазарру тўлқинлари эгаллаган инсон моҳияти кейинчалик ўрта асрлар фалсафасининг тасаввуф оқимида ўз тараққиёти ўзанига эга бўлади”⁵⁶.

⁵⁴ Авесто: Яшт китоби /М.Исҳоков тарж. –Т.: Шарқ, 2001. – Б.43.

⁵⁵ Ўша манба. – Б.43.

⁵⁶ Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. Авесто / Асқар Маҳкам таржимаси нашрига илова. – Т., 2000. – Б.378 .

Ахлоқий тамойиллар зардуштийлар жамиятининг узок тараққиёти давомида кишиларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимлари, ҳаётий тажрибалар, умуман, дунёқараши асосида шаклланган ва маънавий-фалсафий қадриятга айланган. Бу тамойиллар расман учта бўлса ҳам уларда кишиларнинг асрлар давомидаги ҳаётий сабоқлари, коинот, инсон, замин ва улар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган хулосалари умумлаштирилган. Назаримизда, тамойиллар сонини белгилаш ҳам тасодифий бўлмай, у қадимги мифологик ишончлар, табиат ва жамият ҳодисаларини изоҳлашдаги магик (сеҳрли) қарашлар ва ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ.

Чунки “сеҳрли рақамлар ижтимоий тафаккурнинг илк даврларидаги мифологик талқинлар ва ибтидоий маросимларнинг ритуал миқдорий кўрсаткичи сифатида шаклланган алоҳида сонлар тоифаси бўлиб, муқаддас эътиқодлар мажмуи тарзида сақланиб қолган қадимий халқ қарашларидир”.

Зеро, уч рақами ҳам бошқа бир неча рақамлар қатори сеҳрли характерга эга бўлиб, генетик жиҳатдан тарихий-ижтимоий жараён маҳсули сифатида ибтидоий рамзлар сирасига киради. Қадимги тасаввурлар ҳосиласи сифатида уч рақами муқаддаслаштирилган бўлиб, муайян эътиқодни ифода этади. Жумладан, яхши фикр – юлдузлар орбитаси, эзгу сўз – ой орбитаси, яхши амал эса қуёш орбитаси сифатида тасаввур қилинган.

Шунингдек, инсон энг қадимда олам тузилишини уч қисмдан - осмон, ер ва ер остидан иборат деб тасаввур қилиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида дунё сифатида изоҳлаган. Вақт ўтган сари бу рақам билан боғлиқ муайян маъно касб этган тушунчалар доираси кенгайиб борган (уч йил, уч шарт, уч ака-ука, уч тўсиқ ва бошқалар)⁵⁷.

“Авесто” даги уч ахлоқий тамойил ҳам ана шу қарашларга асосланган ва улар инсоний камолот йўлидаги зарурий қарашлардир. Бу Аҳура Мазда тилидан баён этилган: “Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу

⁵⁷ Зороастрийские тексты. // Чтение, перевод и комментарии О.М. Чунаковой. – М., 1996. – С.87.

сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бори эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтишга) яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман”⁵⁸. Бу тамойилнинг ҳар бири эзгуликка интилан инсоннинг ички маънавий дунёси, ҳаёлотини, бу дунёни намоён қилувчи сўзини ва хатти-ҳаракатини, фаолиятини (амали)ни ифода қилади, яхлит ахлоқий дастурни вужудга келтиради. Бу дастур эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, маърифат ва жаҳолат ўртасида давом этаётган мurosасиз курашда ана шу уқлик муносабатига қараб ҳар бир кишининг ўзинини белгилайди.

“Хурмузд Яшт”нинг Ахура Мазда алқовидаги қуйидаги дуо сўзларининг уч марта ўқилиши ҳам юқоридаги фикрларимизни қувватлайди: “Ҳақиқатни шарафлайман, ҳақиқат олий неъмат. Бу неъматдан шул киши баҳрамандким, савоб унга бўлғайким, ул Ҳақ йўлида эзгу, савоб ишдан қолмаса”⁵⁹. “Авесто”да ахлоқий тамойиллар асосида руҳнинг мангулиги, моддийликнинг ҳаётчилигини эътироф этиш, эзгу борлиқни эъзозлаш, такомиллаштириш, маънавий камолотга интилиш, гўзал туйғуларни руҳ ва танга жо қилиш ғояси мужассамдир. Инсон, руҳ ва тан алоқадорлиги зардуштийлик таълимотининг ахлоқий моҳиятини белгилашдаги муҳим жиҳатларидан биридир. Бу алоқадорлик одамларни илоҳга иймон келтирган ҳолда кундалик турмушда савоб ишларга ундаш ва гуноҳ ишлардан қайтаришга қаратилган бўлиб, инсонни эзгулик эътиқодида мустаҳкамлигини таъминлашга, пок, фойдали ва ҳалол фаолиятини эзгу нияти ва сўзи билан мувофиқлаштиришга ҳизмат этади. Шунингдек, “Авесто”да инсонларни оддий ўтқинчи ва абадийларига ажратилар экан, бунда оддий фуқароларнинг жисм (тан)лари бору руҳлари йўқ деб ҳисобланади. Жисм эса ўз аслига қайтишлиги эътироф этилади. Шунинг учун ҳар бир тирик жон руҳ поклиги учун курашиб, эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал руқнига мувофиқ яшамоғи зарур, деб таълим берилади. Зотан, “Авесто”да таъкидланганидек, “одамлар учта жойга кўпроқ боришлари керак: донолар уйи, одиллар уйи ва муқаддас

⁵⁸ Авесто. Яшт китоби /М. Исҳоқов таржимаси -Т.: Шарқ, 2001. –Б. 8.

⁵⁹ Ўша манба. –Б. 10.

оловли ибодатхонага. Донолар уйига ақллироқ ҳамда ихлосу эътиқодда янада мустаҳкам бўлмоқ учун, одиллар уйига эзгулик ва ёвузликни фарқлаш ҳамда ўзидан ёвузликни йироқлаштириш учун, оловли ибодатхонага эса ўзини вужудсиз иблисдан сақлаш учун тез-тез бориб турмоқ лозимдир⁶⁰. Ушбу парчада ахлокий покланишнинг зарур шартлари баён этилган.

Хусусан, донолик, одиллик ва ибодатнинг инсонни маънавий етук, яхшилик эътиқодига содиқлигини мустаҳкамлашдаги амаллар санаб берилган. Бунда фикрлар бир-бирини тасдиқловчи ва ўзаро зид тушунчалар орқали ифодаланиб, мантиқан яхлит бир нуқтага қаратилади-эзгуликка интилишга даъват этади. Чунончи, донолар даргоҳи (уйи) ақл ва эътиқод маскани экани, одиллар даргоҳида ёвузликнинг даф этилиши, ибодат эса ёмон рух, иблисдан сақланишга хизмат этиши таъкидланади. Бу ўринда диққатга сазовор яна бир жиҳат шундаки, инсонда ихлос ва эътиқод мавжудгина эмас, балки мустаҳкам бўлиши, ҳар бир киши ўз вужудидан ёвузликни сидириб ташлаши ҳамда фақат олов иштирокидаги ибодатни бажо келтиришига алоҳида урғу берилган. Бунда эътиқоднинг собитлиги ва оловнинг муқаддаслиги ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган.

Инсоннинг учта манзилга кўпроқ қатнаши зарурлиги ҳақидаги юқоридаги фикрлар эзгу амал тамойилига мисол бўлиб, у диний удумлар, урф-одатлар ижросига алоқадордир. Инсон бу жараёнда уч тамойилнинг бирортасига амал қила олмаса ҳам баркамолликка эриша олмайди. Чунончи, эзгу фикрсиз яхши ишлар қилиб бўлмаганидек, эзгу сўзсиз ҳеч қандай ички маънавий фикрлар, ақидалар рўёбга чиқмайди, ифодаланмай қолади. Эзгу амал эса пировард натижа сифатида инсоннинг тугал қиёфаси, маънавий оламининг кўзгусидир. Аҳура Мазда бу амалларни бажо келтириб, комиллик, маърифат ва савоб аҳкомларига эришган инсонларни қанчалик эъзозласа, бу йўлдан тойган ёмон хулқли гуноҳкорларни шунчалик жазолайди. Шу билан бирга, тавба-тазарру қилиб, яна эзгуликка интилганлар узрини қабул қилади.

⁶⁰ “Авесто” ва унинг инсоният тарихидаги ўрни // Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: “Фан” 2001.- Б.50.

Ахура Маздани ер юзида илк марта тан олган зот Йима (Жамшид) мисолида ахлоқ тамойилларининг ёрқин ифодасини кўриш мумкин. “Авесто” нинг “Видевдот” қисмининг иккинчи фаргарди (бўлими) унга бағишланган бўлиб, “Жам достони” деб аталади.

“Авесто”да ҳикоя қилинишича, Ахура Мазда Зардуштнинг ўзи мансуб динни илк бор кимга ошкор қилганини сўраганда : “Эй Ашаван Зардушт ! Мен – Ахура Мазда сен –Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи бўлиб қуёш юзли , яхши сурувлар соҳиби Жамдан ҳол сўрдим ҳам Ахура ва Зардушт динини унга ошкор қилдим “, дейди⁶¹.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, Жамшиднинг отаси Вивахванд Ахура Мазда эътиқодида бўлиб, илк бора муқаддас хумнинг (сеҳрли дарахт) шарбатини ичган эди. Шу боис Ахура Мазда унинг ўғли “қуёш юзли “ Жамшидни ўзига ардоқли банда қилиб олади. Жамшид Тангрининг буйруғи билан оловни кашф этиб, одамларга рўшнолик бағишлайди. Лекин Жамшид Ахура Мазда ҳақиқатини тушунишга ожизлигини билдириб, (“сенинг динингдан огоҳ этувчи ва динингни элтувчи бўлиб туғилмадим ва ўрганмадим”) пайғамбарлик мақомини рад этади. Шундан сўнг Ахура Мазда Жамшидга эзгу дунёни асраш ва унга шоҳлик вазифасини юклайди (“Менинг жаҳонимни ардоқла, жаҳон аҳлига пешво ва асрагувчи бўл”). Жамшид тўққиз юз йил давомида шоҳлик қилди. Шу муддатнинг ҳар уч юз йилида унга топширилган ер унда яшовчи эзгу хилқатлар учун торлиқ қилгач, илоҳий қудрат воситасида замин уч марта кенгайтирилган. Жамшид подшолиги даврида на совуқ, на жазирама иссиқ, на касаллик, на ўлим, на кексайиш бўлган ва бу давр шартли равишда қадимги дунёнинг “Олтин асри” деб аталади.

Лекин Жамшид “фикрида ёлғон хаёл пайдо бўлиши ва унинг бошидан Хварно (омад нури) қуш каби учиб кетиши” билан бу эзгу фаолиятга путур етди. Бу гуноҳ эвазига ерда ўлим, совуқ, касалликлар, дард, ғам вужудга

⁶¹ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.201.

келди, эзгу дунё билан разолат дунёсининг кураши бошланди. Бу ҳақда Хварно алқови (Замйад Яшт)да ҳикоя қилинади⁶².

“Етти кишварни шод қилиб, бойликлару мулкларни девлардан асраган хилқатларга инсофу қаноат тилаган” Жамшид тақдирида одамларга сабоқ бўладиган жиҳатлар, аччиқ ҳаётий ҳақиқат ёрқин акс этган. Биринчидан, Ахура Мазда нигоҳининг дастлаб Йимага тушиб, дунёнинг илк подшолигини унга топшириши тасодифий бўлмай, Тангри ундаги эзгу фикр ва амални кўра олганига далилдир. Жамшид ҳам дастлаб Ахура динини бошқаларга ўргатишга ўзининг тайёр эмаслигини яширмай рост сўзлади ва шохлик даврида фақат эзгу ишларга амал қилди, қабоҳат кучларига қарши курашди. У нажоткор шох сифатида қаҳратон қиш бошланиб, кишиларга офат келтирганида ва сўнгга қорлар эриб яйловларни сув босганида катта ер ости шаҳарлар қуриб, одамларни ва уларнинг мол-мулкларини қаҳратон совуқ ва сув тошқинидан сақлаб қолади, уй-жойлар қуради, ариқлар очади. Бироқ у ўзидаги эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлигини охиригача етказа олмагани сабабли гуноҳга йўл қўйди. Бу эса, ҳар бир инсон мустаҳкам собитлилик, метиндай ирода, эзгу эътиқоддан тоймаслик, муқаддас қасамга фидойилик каби инсоний фазилатларга ҳар қандай шароитда ҳам амал қилиши зарурлигидан сабоқ беради.

Жамшид образи дастлаб “Авесто”да яратилиб, кейинчалик оғзаки ва ёзма асарларда турлича талқин қилинди. Фирдавсийнинг “Шохнома”сида қайта ишлов топди. Буюк шоир уни раиятпарвар, адолатпеша, мамлакат ободлиги ва халқ фаровонлигини ўйлайдиган ҳукмдор сифатида таърифлади. Бу эса, эзгу амал Йима (Жамшид)га хос муштарак, устувор фазилат эканини кўрсатади.

Зардуштийлик таълимоти ўзаро зид икки асос — эзгулик ва ёвузлик курашидан баҳс этар экан, ахлоқ тамойиллари даставвал уларнинг тимсоллари — Ахура Мазда ва Ахриман орқали ифодаланади. Ахура Мазда

⁶² Авесто. Яшт китоби. // М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. –Б.34.

барча яхшилик ва эзгуликлар ифодаси бўлса, Ахриман ёвузлик ва разолат рамзидир.

Зеро, бу ибтидоий рухлар эгизак бўлсалар ҳам ўз фикри, сўзи ва амаллари билан бир-бирига қарама-қаршидир. Бу икки рух дунёни бошқаришда бир томондан эзгу амал туфайли ёруғ оламни яшартирса (Ахура Мазда), иккинчи томондан, ёвуз амаллар асосида зулмат дунёсини кенгайтиришга интилади (Ахриман). Бу жараёнда улар ўзларининг ёрдамчиларига таянадилар. Улар ҳам ўз ҳомийлари характериға кўра ижобий ва салбийдирлар.

Ахура Мазда яратган барҳаёт маъбудлар дунёни эзгулик билан абадий гўзал қилиш учун фақат яхши ва савоб ишларға сафарбар қилинганлар. Булар куюш худоси Митра, ер, сув, ҳосилдорлик маъбудаси Анахита, эзгу фикр маъбудаси Вахумана, муносиб қудрат худоси Хматра Вария, ҳақиқат ва адолат маъбудаси Аша, ҳалоллик ва иффат рамзи – Спента Армайти, саломатлик маъбудаси Харватат, мангуликка ҳомийлик маъбудаси Амертат бўлиб, улар ёвузлик кучларини даф этишда Ахура Маздаға мададкор сифатида юксак ахлоқий мақомларнинг муайян жиҳатларини ўзида ифодалайдилар. Тангри эса бу жиҳатдан ҳар бириға намуна ва рағбатлантирувчи ҳомийдир. Чунки Ахура Мазда ахлоқий-маънавий покланиш ва эзгуликлар ижодкори ва манбаи ҳисобланган. Зардуштнинг эзгу сўз ва улуғ ном ҳақидаги саволиға Тангрининг берган жавобларида бу фазилат янада ёрқин намоён бўлади.

Не сўз элтар ютуққа
Недур ул дардларға эм,
Не сўз ажиналарнинг
Ёвлигини барбод этар?
Фоний дунёда не сўз
Эзгуликка юғрилган?
Ул улуғ номни айтгил

Гўзал эзгу номни айт⁶³.

Ахура Мазда бу сўз ва ном менинг номимдир, дея ўзининг (йигирмата) хосиятларини санаб ўтади. Жумладан, булар – қудрат, ҳақиқат, эзгулик, билим, валилик, авлиёлик, жўмардлик, ҳолислик ва бошқалар. Буларнинг ҳар бири “Авесто” ва зардуштийлик динининг бошқа китобларидаги ривоятлар, савол-жавоблар ва қатор воқеалар баёнида намоён бўлади. Инсонларга сабоқ беради. Қабохат, разилликка нисбатан ғазаб, яхшилик, олижанобликка муҳаббат уйғотади. Ҳақиқат нурлари остида одамларни комронлик ва шодмонлик манзилига элтиш Ахура Мазда бош бўлган эзгулик кучларининг олий мақсадидир.

Бу мақсадга эришиш инсонни улуғлаш, уни барча салбий хислатлардан халос этиш йўлидаги курашда мурасасиз бўлишни тақозо қилади. Ахура Мазданинг ўзида барча инсоний фазилатлар мужассамлашгани боис у ибодатга, эъзозу ҳурматга сазовор бўлган. Осмону фалакда турса ҳам ердаги барча яхши ва эзгу амалларни бошқаради. Шу жиҳатдан у реал инсон қиёфасидаги гўзаллик ва эзгулик тимсоли ҳамдир. Тангри ўз динининг тарғиботчиси Зардуштга эса ақл-идроки ва билимларини ато қилгани учун ҳам у зукко ва “имонли банда”дир. Донишманд сифатида эса ният холислиги, лутфу нафосат ва андеша, яхшилик дунёсига хизмат қилиш, қалбдан ёвузликни чиқариш, тан ва руҳ поклигига интилиш, сўз ва қасамёдга садоқат каби эзгу амалларнинг раҳнамоси ва тарғиботчисидир.

Инсон идроки, сўз ва иши мўътабардир деган қараш “Авесто”нинг бутун мазмунига сингиб кетган. Шу фазилатларнинг муштараклиги инсон дунёқараши ва фаолиятининг қимматини белгилайди. Шунинг учун ҳам зардуштийлик таълимотида сўз яхши фикр ва эзгу амалнинг ифодаси, воқе бўлиш воситасидир. Бинобарин, маъноли сўз, овознинг ёқимлилиги, шеърларни чиройли ўқий олиш ва дуолар тиловатида меъёрини сақлай билиш эстетик савиянинг мезони ҳамдир. “Ясна”да таъкидланишича,

⁶³Авесто. Яшт китоби /М. Исҳоқов таржимаси. -Т.: Шарқ, 2001. –Б.8.

Зардушт туғилган пайтдаёқ шеърий дуоларни тўрт марта тўхтаб-тўхтаб овозини баланд қилиб, ифодали ўқиган.

Зардуштийлик таълимотида ахлоқий сифатларнинг инсонларда қарор топишини оламдаги жамики ҳаракат, шу жумладан, одамлар ҳаётини ўз измига солувчи муқаддас кучлар иши деб ишонишган ⁶⁴. “Авесто”да Аша сўзи ҳақиқат, эзгулик, ҳалоллик тушунчаларини ифодалаб, ёлғон, риёкорлик, ғийбат каби қабих ва инсон табиатини ифлослантирувчи хусусиятларга зид қўйилади. Шу жиҳатдан бу сўз реал воқелик ҳақидаги қарашларда тартиб, ахлоқий масалаларда эса адолат ва ҳақиқат маъноларида қўлланилган.

Зардуштийлик таълимотида инсонлар амалий фаолиятининг мезони икки қиррага эга: савоб ва гуноҳ. Умрида андишали, тўғри сўзли ва эзгу амалли бўлган кишилар савобга сазовор бўлса, ёвуз фикр, ёвуз сўз ва ёвуз амални ихтиёр этганлар гуноҳга ботишади деб ҳисобланган. Барча ижобий хислатлар мажмуаси савоб, салбий хусусиятлар эса гуноҳ тушунчалари орқали умумлаштирилган.

Умуман, юксак ахлоқий сифатларни инсон баркамоллиги ва маънавий поклигининг негизи сифатида зардуштийлик таълимотида илоҳият руҳи билан йўғирилган ва ривоятлар ҳамда ғаройиботлар пардасида талқин этилиши инсонпарварлик, эзгулик, бунёдкорлик каби умумбашарий қарашларнинг тарихий илдизлари ниҳоятда қадимий, лекин абадий барҳаёт қадриятлар эканига далилдир.

⁶⁴ Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи.-М.: Наука, 1988.-С.15.

II БОБ. “АВЕСТО”ДАГИ ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

2.1. “Авесто”даги диний-ахлоқий қарашларни ўрганишнинг аҳамияти.

Бизга маълумки, энг қадимги даврларга оид тарихий-маданий жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий тузумни ўрганишда ёзма манбаларнинг аҳамияти бекиёсдир. Аммо Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги даврларига оид ёзма манбалар бизнинг кунларимизгача сақланмаган ёки ҳозиргача деярли аниқланмаган. Аниқланган ва таҳлил этилиб фанга жорий этилган ёзма манбаларнинг ҳам асосий қисми минтақа ҳудудларидан четда битилган. Шунга қарамай ўлкамиз ҳудудлари билан бевосита боғлиқ бўлган қадимги давлат уюшмалари ва унга қўшни бўлган қадимги тарихий-маданий вилоятлар ҳақидаги “Авесто” маълумотларининг ўрганилиши ҳамда қисман уларнинг таҳлили ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб Ўрта Осиё қадимги халқларининг тарихи ва маданияти билан боғлиқ бўлган ёзма манбаларга шарҳлар, изоҳлар, уларнинг қисқача мазмуни, сақланиб қолганларининг таржималари ҳамда таҳлили нашр юзини кўра бошлади. Ана шундай манбаларнинг дастлабкиси “Авесто”дир. Бу китобнинг турли қисмлари қадимги географик тушунчалар – дарёлар, тоғлар, кўлларнинг номлари, қадимги мамлакатлар рўйхати, ҳудудий, этник қабилалар ва вилоятларнинг номлари, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий-сиёсий тузум, қадимги қабилалар ўртасидаги сиёсий курашлар, зардўштийларнинг диний фалсафаси каби кўплаб маълумотларни ўз ичига олади⁶⁵.

“Авесто”ни манба сифатида тадқиқ этиш XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлишига қарамай бу манба ҳақидаги илмий мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Бу илмий мунозаралар “Авесто” пайдо

⁶⁵ Сагдуллаев А.С. Авеста географияси ҳақида. // “Авеста” қадимий тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. ТДШИ “МОХТ” кафедраси илмий-амалий семинари материаллари. – Т., 2001. – Б.27-28.

бўлган ҳудуд, Зардушт фаолият кўрсатган давр, зардуштийлик дини дастлабки ёйилган ўлкалар, “Авесто”да кўрсатилган ўлкаларнинг жойлашуви каби масалалар билан боғлиқдир.

Одатда инсоният тарихининг бурилиш нуқталарида, жамият ва инсон ҳаёти тубдан ўзгараётган паллада киши ўз тарихига, қадимий маънавий ва маданий ёдгорликларни ўрганишга эҳтиёж сезади. Зеро, инсон мавжудот сифатида кескин янгиланишлар, туб ўзгаришлар жараёнида ўзлигини англашга, ўзлигини тушунишга, умуман инсон сифатида ўз қиёфасини яхлитлигича кўз олдига келтиришга мажбур бўлади. Айнан шу мажбурият эса ўтиш даврининг бутун мазмун-моҳиятини, янгиланишларнинг самарасини ва тараққиёт омилларини белгилаб беради.

Миллий уйғониш ва миллий тараққиётнинг бугунгидек тарихий босқичларида қадимий ўтмишимизга назар ташлаш эҳтиёжи тобора долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик ғояси, истиқлол тушунчаси бугунги ўзбек халқи тасодифий миллат эмаслигини, у инсоният ибтидоси билан тенгдош эканлигини, бугунги Ўзбекистон давлати эса эндигина жаҳон хариталарида пайдо бўлган давлат эмаслигини, у қадимий давлатчилик анъаналарига эга эканлигини кўрсатмоқда.

Бу эса қарийб уч минг йиллик тарихимизни қайтадан кўздан кечиришимизни, турли даврлар ва мафкуралар таъсирида сохталаштирилган ўтмишимизга муносиб баҳо беришни, қадимий маданий ёдгорликлар ва маданий меросни яхлитлигича тадқиқ этишни зарурат даражасига кўтарди. Шу боис тарихга муносабат бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди ⁶⁶.

Зотан, Президент Ислом Каримовнинг ўтмишга келажак учун ибрат манбаи сифатида қарашида ана шуни англаш мумкин: “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу

⁶⁶ Авесто. /А. Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. –Б.4.

ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устивор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётӣ асосга эга экани айниқса эътиборлидир”⁶⁷.

Дарҳақиқат, “Авесто” одам ва одамиятни, шахс ва шахсиятни, кенг маънодаги инсонни ва инсониятни комилликка даъват этувчи, баркамолликка, етукликка чақирувчи улкан ва ноёб қадриятдир. “Авесто” инсонга хос бўлган поклик, эзгу ният, покиза туйғу, тупроқни муқаддас билиш, Ватанни англаш сингари олижаноб фазилатларни юксак ахлоқӣ меъёрлар ва тафаккур тарзи орқали ифода этади.

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, “Авесто” айрим ҳолларда, ҳатто, давлат яхлитлиги ва бирлигини таъминлашда, бошқарувда, умумманфаат ва ғоялар муштараклигини вужудга келтиришда муҳим рол ўйнаган. Бу айниқса Сосонийлар даври учун хос хусусият бўлган⁶⁸.

Шу билан бир қаторда “Авесто” қадим аجدодларимизнинг милодгача бўлган даврдаги табиат ва жамият ҳақидаги қомусӣ билимларининг мажмуасидир. Шунинг учун ҳам унда деярлик барча фанларнинг бошланиши ва ривожига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Бу маълумотлар антик диний, тарихий, ахлоқӣ қадриятларнинг намуналари сифатида бугунги кунда ҳам аҳамиятга молик бўлиб, маънавий меросимизни ўрганиш ва янгидан кашф этишда бебаҳо манба бўлиб қолмоқда. Афсуски, коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бу ноёб ёдгорликни ўрганиш, талқин ва тарғиб қилишга, таълим жараёнида қўллашга етарлича аҳамият берилмади. Ундаги умуминсоний, таълимий-ахлоқӣ қарашлар, маънавий-маърифӣ қарашлар тўла ошкор этилмади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув режалари ва дастурларида 60-йилларгача “Авесто”га доир маълумотлар деярли йўқ эди, айрим фикрлар эса бирёқлама ёндашув асосида баён қилинган эди.

⁶⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б.32.

⁶⁸ Абу Райҳон Беруний. Осор ул – боқия, анал қурун ал-ҳолия. Танланган асарлар. Т-І. –Т.: “Фан”, 1967. - 128 б.

Ваҳоланки, Турон ва Эрон халқлари тарихи, дини, адабиёти умумий маънавиятининг замини, илдизлари, асосан, “Авесто”га бориб тақалишини Европада аллақачон тан олишган эди.

Кейинги даврларда “Авесто”даги маънавий хазинадан баҳраманд бўлишга, ундаги фалсафий, таълимий-ахлоқий қарашларни кенг тарғиб этишга диққат қаратилди, таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга эътибор берилди.

“Авесто”ни қадимги даврдан етиб келган нодир қомусий ёдгорлик сифатида баҳолаб, олий мактаб дарслигига 1963-йилда киритган профессор олим Н.Маллаев бўлди. Унинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигининг 1967-1972-йиллардаги нашрида ҳам “Авесто”ҳақидаги мухтасар, лекин муҳим маълумотлар баён қилинган ⁶⁹.

“Ўзбек педагогикаси антологияси”нинг I – китобида (1955 йил), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси чоп этган “Ўзбек адабиёти тарихи” беш жилдлигининг I – жилдида (1977 йил) ҳам “Авесто”нинг адабий ва таълимий-ахлоқий қиммати хусусида фикрлар баён этилиб, у “Педагогика тарихи” ҳамда “Ўзбек адабиёти тарихи” курслари мазмунига қисман киритилди. Филология фанлари доктори Фозила Сулаймонова ўзининг “Шарқ ва Ғарб” рисоласида қадимги Ўрта Осиё ва Эрон халқлари маданиятининг антик дунё маданиятига таъсири илдизларини текширар экан, зардуштийлик ва у билан боғлиқ мифларнинг эллин маданиятидаги кўринишларини аниқлашга эришди. Шу муносабат билан олим зардуштнинг ватани, “Авесто”нинг яратилиши, кўчирилиши, дунёга тарқалиши, таркибий қисмлари ҳақида диққатга молик фикрларни баён этган. Шуниси диққатга сазоворки, муаллиф шарқшуносликда биринчилардан бўлиб Жанубий Ҳиндистондаги зардуштийлик динини сақлаб қолган уч юз

⁶⁹ Қаранг: Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1964. – Б.53-72.

минг эронийлар ҳақида, уларнинг илмий маркази-Кома тадқиқот институти ҳақида маълумот берган⁷⁰.

Шарқшунос олимлардан А. Ирисов (“Санъат” 1993, № 3) ҳамда М. Исҳоқов (“Соғлом авлод учун”. 1996, № 4)ларнинг “Авесто”га доир мақолалари ҳам ёдгорлик моҳиятини кенг халқ оммасига етказишда маълум маърифий аҳамиятга молик бўлди. Шунингдек, Ҳ.Ҳомидовнинг “Педагогик антология”-(1 жилд, 1994 йил) китобида “Авесто” дан таълим ва ахлоққа оид парчаларни рус тилидан ўзбек тилига ўгириб эълон қилиниши, қолаверса, “Авесто” ва таълим-тарбия” мавзуларидаги китобларнинг чоп этилиши ҳам ёшларга тарихимиз ва маданиятимизни танитишда ўзига хос манба сифатида аҳамият касб этди. А.Эркаевнинг “Миллий ғоя ва маънавият” китобида “Авесто” маънавият тақомилининг энг қадимги (архаик) ва илк зардуштийлик босқичига оид ёдгорлик сифатида қайд этилади⁷¹. М.Имомназаровнинг “Миллий маънавиятимиз тақомил босқичлари” номли китобида муаллиф “Авеста” диний тизимига тўхталиб, уни ваҳдоният ва кўпхудолик анъаналари орқали идрок этган дин сифатида изоҳлаган⁷².

Кейинги йилларида эса талабаларга “Маънавият асослари”, “Ахлоқшунослик”, “Дидактика”, “Диншунослик”, “Педагогика назарияси”, “Педагогика ва тарбиявий ишлар методикаси” каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳам “Авесто”дан муайян маълумотлар берилмоқда. Айниқса, университетлар, педагогика институтлари ва педагогик йўналишдаги ўрта махсус ўқув муассасаларида ўрганилаётган педагогика тизимидаги фанларга оид дарслик, қўлланма ва методик адабиётларда “Авесто” материаллари тобора кенгайиб бормоқда.

“Авесто”ни батафсил ўрганиш бир томондан, тарихий ва диний қадриятларимизга қизиқишни кучайтирса, иккинчи томондан, одоб-ахлоқ, маънавият масалаларига ижодий муносабатини, шахс камолотида сабоқларнинг аҳамиятини англашга хизмат қилади.

⁷⁰ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.—Т.,1964.—Б.19.

⁷¹ Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. —Т.: Маънавият, 2002. — Б.100-111.

⁷² Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг тақомил босқичлари . —Т.: Шарқ, 1996. — Б.7-21.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Авесто” сингари нодир маданий ёдгорликлар қандай ғоя ва мақсадга хизмат қилмасин, улар ўз давридаёқ умуминсоний қадриятга айланган. Демак, уларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, ўқиш ва уқиш зарур. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: Инсоният ҳамиша ғоясидан, мафкураси ва таълимотидан қатъи назар, тараққиётга хизмат қиладиган жиҳатларни ва омилларни ўрганади. Зеро, ҳар қандай цивилизация ғоялар, мафкуралар ва таълимотлар тўқнашувидан, улар орқали оламни англаш, идрок этишдан бошланади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам “Авесто” бугунги кундаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий, фалсафий ва мантиқий аҳамияти катта.

2.2. “Авесто”да меҳнатсеварлик ҳамда ватанпарварликнинг ифодаланиши.

“Авесто”да ифодаланган ахлоқий қарашлар силсиласида меҳнатсеварлик, эл-юрт, умуман, Она заминни эъзозлаш ғояси катта ўрин эгаллайди. Эзгу андеша, эзгу сўз ва эзгу амал тамойилини ҳар бир киши онгига сингдиришда бу қараш алоҳида ўрин тутди. Чунки ахлоқ асосини ташкил этувчи учлик тамойилига риоя қилиш ҳар бир одамдан, аввало, жамоат манфаати йўлида ҳалол ишлаш, ўз элини ёмон кучлардан асраш ва фидокорона меҳнат билан ватанга садоқатини ифодалаш талаб этилган.

Зардуштийлар жамиятида чорвачилик ва деҳқончилик устувор бўлгани сабабли меҳнат, эл-юртга муносабат ана шу турмуш тарзидан келиб чиққан. “Авесто”даги меҳнатсеварлик ва элпарварлик ғояси талқинларида иккита йўналиш кўзга ташланади.

- 1) Она ватаннинг ҳар бир қарич ерини қадрлаш, уни обод ва фаровон этиш, ер ости ва ер усти бойликларини асраш ҳамда қўпайтириш ва яратувчиликни улуғлаш;
- 2) Хонадон, қишлоқ ва бутун мамлакат – эл-юртни ёвуз кучлар, душманлардан ҳимоя қилиш.

Бир-бирини тўлдирадиган бу яратиш ва асраш йўналишлари моҳиятан ягона қараш – эзгуликнинг ёвузлик, нурнинг зулмат, маърифатнинг жаҳолат устидан ғалабасини таъминлашга қаратилган. Ахура Мазда бошқарадиган яхшилик маъбудлари билан ёвуз руҳ Ахриман ихтиёридаги ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш ана шу жараёни акс эттиради.

Ахура Мазда одамларни Зардушт орқали ўзи яратган заминни меҳнат билан обод қилишга даъват этса, Ахриман ўз девлари билан уни вайрон қилишга интилади ва якка Тангри бунёд этган гўзал юртларга ўлим уруғини сочмоқчи бўлади, яъни бунёдкорлик ва бузғунчилик тўқнашади.

Бошқача айтганда, бунёдкорликка қаратилган меҳнат кишиларда канчалик муҳаббат уйғотса, бузгунчиликка қаратилган ғаламислик шунчалик нафрат туғдиради.

Меҳнатсеварлик ғояси “Авесто”нинг ҳар тўрт қисмида ҳам ёрқин акс этган. Жумладан, бу қараш Ахура Мазда билан Зардуштнинг савол-жавобларида бевосита ва кенгроқ баён этилса (“Видевдот”), ибодат кўшиқларида (“Виспарад”) қурбонлик қилиш ва бошқа маросим мадҳияларида (“Ясна”) ҳамда алқовлар ва мифологик талқинларда (“Яшт”) муайян воқеалар муносабати орқали қайд этилади.

Меҳнат ва замин тушунчаларини бир бутун ҳолда тасаввур этган зардуштийларда эзгулик, аввало, ҳар бир кишининг фойдали фаолияти ва унинг жамоадаги ҳиссасидан бошланган. Зеро, тупроқни муқаддас билиш, экин ерларини кўпайтириш, асраб-авайлаш, уни озода сақлаш мезон даражасига кўтарилгани бежиз эмас.

Ахура Мазда яратган эзгулик билан Ахриман яратган ёвузлик оламининг кураши ана шу ерда давом этади. Эзгуликнинг ғалабасига эса ҳалол меҳнат, одамларнинг фидойилиги, заминга садоқати ёрдам беради. Шунинг учун ҳам меҳнатга муносабат чуқур ҳаётий асосга эга бўлган. Ахура Мазданинг заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтли қилувчи шахс ҳақидаги қуйидаги сўзлайди: “Эй Спитамон Зардушт! У ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевалар эккан зотдир! У қуруқ ерга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир”⁷³.

Бу хулоса бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. У кишиларни бунёдкорликка, мўл-кўлчилик яратишга даъват этиши билан ҳаётийдир.

“Авесто”да таъкидланишича, ерни яхши ишлаб, унга сара уруғлар сепиш энг савоб иш бўлиб, бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш ёки юзлаб жониворларни худо йўлига қурбонликка сўйишдан афзалроқ саналган.

⁷³ Авесто. /А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.114.

Демак, меҳнат, мўлчилик яратиш ва уни муҳофаза қилиш муқаддаслаштирилган ахлоқ меъёрларидан бирига айланган.

Ахура Мазда меҳнатни севиш ва улуғлашни барча учун зарурий шарт қилиб қўяр экан, аввало ўз яқинларини бунга амал этишга даъват қилди. Жумладан, унинг иродаси билан ер юзига биринчи подшо этиб тайинланган Жамшид (Йима) “одамлар курук тупрокни юмшатганларидек, ерни товони билан эзиб ва қўллари билан шудгор қилиб, шу йўл билан борликни қаҳратон совуқ – табиий офатдан сақловчи варлар (ер ости манзили) курадилар”⁷⁴.

Зардуштийларнинг турмуш тарзида оила аъзоларини фойдали меҳнатга ўргатиш анча эрта бошлангани ҳам тасодифий эмас. Бунда ёшларни ҳар жиҳатдан чиниқтириш мақсадида жисмоний меҳнат, чорвачилик, деҳқончилик ва кейинчалик ҳунармандчиликни ўрганишга, ақлий меҳнат эса ўқиш, мутолаа қилиш ва турли илмларни эгаллашга қаратилган. Жумладан, болаларни ёшлигидан ерга ишлов бериш, чорвага қараш, дарахт ўтқазиш, рўзгор асбоблари ясаш ва бошқа ишларни бажариши одат тусига кирган. Бу хусусиятлар Зардушт ва бошқа шахсларга ҳам хос фазилатлар эканлиги турли воқеалар баёнида акс этади. Жумладан, паҳлавий тилидаги “Динкард” китобидаги маълумотга кўра Зардуштнинг онаси Дуғдова ёшлигидан рўзгор ишларига шўнғиб кетади: қўйларни яйловга ҳайдайди, жунини қирқади, сигирларини серўт майдонларда боқади. Зардушт эса нор туяларини боқишдан ташқари қабилалар орасида юриб, якка худоликни тарғиб этади, заҳмат чекиб, турли фанларни, илоҳий илмларни ўрганади⁷⁵.

Барча замонларда ҳаётӣй эҳтиёж бўлган меҳнат зардуштийлар жамияти аъзоларини ташкил қилувчи ижтимоӣй гуруҳлар (коҳинлар, ҳарбийлар, чорвадорлар, деҳқонлар ва ҳунармандлар)нинг ҳар бири учун ўзига хос бўлса ҳам, балоғатга етган киши зиммасидаги (15 ёшдан бошлаб) ахлоқӣй фуқаролик бурчи саналган.

⁷⁴ Авесто. /А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.113.

⁷⁵ Абаев В.И. Скифский быт и реформы Зороастра. – М., 1956. – С.24.

Хусусан, деҳқончилик ва чорвачилик муқаддас меҳнат ҳисобланган. Зеро, меҳнат моддий фаровонлик яратиш воситаси бўлиш билан бирга шахс маънавий камолотининг муҳим шарт сифатида ҳам эъзозланган. Бинобарин, Аҳура Мазда иноятига сазовор бўлишга интилиш, аввало, ҳар бир кишининг меҳнатида ифодаланиб, у чорванинг кўпайиши ва яйловнинг кенгайиши ҳамда деҳқончилик ривожига йўналтирилган бўлиши шарт, деб ҳисобланган.

Иккинчидан, бундай меҳнат ёвузлик тимсоли Аҳриман ва унинг кўп сонли ёмон кучларига қарши курашда асосий таянч ва ғалаба омилларидан бири деб қаралган. Чунки моддий фаровонлик жамоа кучини ошириб, ғанимларга ғулула келтирган, уларни кўрқувга солган. Жумладан, “ғалла ердан униб чиққанда девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда улар нола-фарёд чекишади, янчиб ун қилинаётганда улар қоча бошлашади, хамир қилинаётганда эса девлар маҳв бўлади”⁷⁶.

Демак, деҳқончилик меҳнати қадимий эътиқодга кўра ёвузликни даф этишга қаратилган моддий ҳисса дея юксак қадрланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир некбин инсон фойдали меҳнат қилиш, бирор касб билан шуғулланиш, “ақл ишлатиб”, “икки қўллаб ерга ишлов бериб”, “чорвани парваришлаб”, “бирон дастгоҳни юргазиб” кун кечирмоғи, беғараз ризқу рўзи топиб ёмоғи, бировларга муҳтож бўлиб қолишдан асранмоғи зарур бўлган. Ана шу олижаноб ақида тақозоси сифатида ёшларга таълим беришда амалиётга алоҳида эътибор қилинган.

“Авесто”нинг “Видевдот” китобидаги дастлабки қисм деҳқончилик ва чорвачиликка бағишланган бўлиб, унда “заминни фаровон қилувчи” Инсон меҳнати улуғланади. Ер билан инсон ва Аҳура Мазданинг мулоқотларида Аҳура Мазда томонидан айтилган қуйидаги сўзлар мавжуд: “Спитамон Зардушт ўнг қўли ва сўл қўл билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан ерга ишлов берса, меҳнат қилса, у замин раҳматига мушарраф бўлажак”. Бундай кишига замин шундай дейди: “Эй мени чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан

⁷⁶ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.115.

шудгор қилган зот! Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кираман, сен учун турли хўрак ва мўл-кўл буғдой етиштираман”⁷⁷.

Меҳнаткашлиги ва фидойилиги туфайли шундай буюкликка эришган Зардуштнинг меҳнат қилмайдиган кимсалар ҳақидаги саволига Заминнинг жавобида юқоридаги фикр яна давом эттирилади: “О сен, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан. Ноз-неъматларнинг барчаси эса меҳнат қилаётган хонадонга насиб қилди”⁷⁸.

Демак, зардуштийларда меҳнатдан қочиш ва текинхўрлик инсонни хору зор қилувчи ва ахлоққа зид тубанлик сифатида қаттиқ қораланган. Шунингдек, юқоридаги парчаларда Замин, Инсон ва Меҳнат тушунчалари уйғунлигини тасдиқловчи ҳаёт ҳақиқати акс этади. Чунки инсон меҳнати туфайлигина замин гўзаллик, эл эса фаровонлик касб эта олади.

Зеро, “узоқ вақт экилмаган ёхуд омончи орзу қилган ер” меҳнат туфайли жонланиб, инсонга мўл-кўл зироат инъом этиши “Авесто”да соҳибжамол кизнинг ўз жуфти ҳалолига фарзанд ҳадя қилишига қиёсланган.

“Авесто”да инсонга хос поклик, эзгу ният, покиза туйғу, заминни муқаддас билиш, эл-юртни англаш сингари олижаноб фазилатлар юксак ахлоқий меъёрлар ва тафаккур тарзи орқали ифода қилинади. Меҳнатсеварлик ғояси ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш туйғуси билан уйғунлашиб кетади. Бу муҳаббат инсон яшаётган муҳит ва табиатга муносабатдан бошланган. Айниқса, зардуштийликда ўз элини табаррук билиб, уни эъзозлашга ва асрашга интилиш кучли бўлган.

Кишилар ўзлари яшаётган заминнинг ҳар бир қарич ерини, табиат бойликлари-ю дара-яйловларини асрашни ахлоқий мезон даражасига кўтарганлар. Ер юзи ва коинотдаги ҳар бир нарса, ҳодисани инсон ҳаётига дахлдор деб тушунганлар. Бу ўринда ҳам дуалистик қараш асосида замин

⁷⁷ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.117.

⁷⁸ Ўша манба. –Б.117.

яхши ва ёмонга ажралган бўлиб, уй бекаси бахтиёр, фарзандлар шодмон ва ҳамиша олов гуркираб турадиган замин яхши ер бўлса, аёл ва фарзандлари саргардон юрадиган ер энг ёмон замин экани таъкидланади. Эл-юртга меҳр-муҳаббат ана шу яхши заминни янада яшнатишга, унинг гўзаллигини оширишга ва муқаддаслигини сақлашга қаратилган. Заминни энг аччиқ ғуссага гирифтор бўлган жой – Ахриман яратган махлуқлар кўплаб ин қурган макон бўлиб, у кишиларда ёвузликка чексиз нафрат уйғотган.

Зардуштийлар дунёни асрашда ўзларини тириклик оламининг бир қисми сифатида билиб, барча ҳаракат ва интилишларини у билан боғлиқ деб тушунганлар, табиат ва коинотдаги ҳодиса ва нарсаларни муқаддаслаштирганлар. Шунинг учун ҳам куёш, ер, олов, сув худолари – Митра, Анахита, Ашларнинг яратилиши тасодифий эмас. Шунингдек, ҳар икки оламнинг яратувчиси Ахура Мазданинг ёрдамчилари орасида ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва ер ости бойликларини ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи илоҳий ҳомийлар ҳам бўлган. Булардан Спента ерни, Хвартат сувни, Амертат ўсимликларни, Хшарта маъданларни муҳофаза қилган.

Айниқса, ҳаёт манбаи бўлган сувни эъзозлаш ва қадрлашга алоҳида эътибор бериб, унга Анахита (Амударё) тимсолида махсус бағишлов битилган, сув ва фаровонлик худоси Анахита мадҳ этилган. Сувни асраш – ҳаётни сақлаш экани сабабли ҳам Анахита шахслаштириш орқали инсон қиёфасида тасаввур қилинган ва Амударё сувлари ҳамма сувлардан улуғ ва муқаддас бўлиб, “сувлар устидаги сувлар” деб таърифланади⁷⁹. Шунинг учун дарёни асраш, табиат кўркини кўпинча сув билан боғлаш анъанаси тўла асослидир.

Замин ва инсон ҳаёти “Авесто”да тасвирланишича, “кенг яйловлар, чуқур кўллар, серсув дарёлар, тоғу ўтлоқлар” билан бевосита алоқадордир. Чунки ер инсонни боқади, унга саҳоват бағишлайди. Шунинг учун зардуштийлар “ўт-ўланлар ва мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган заминни энг табаррук ер” ҳисоблаб, уни эъзозлашган. Акс

⁷⁹ Ўзбек адабиёти тарихи. 1 жилд. –Т.: Фан, 1977. – Б. 39.

холда ерни ифлос қилган, уни сақлаш қонунларига хилоф иш тутган шахслар 400 қамчи уриш билан жазоланганлар.

Тупроқнинг табиий ҳолатига хилоф иш қилиш энг катта гуноҳ – элга хиёнат сифатида баҳоланган. “Видевдот”нинг 3-фагардида тупроқни инсон ва ит мурдаси билан ифлослаган кишининг жазоси ҳақида гап боради. Унда таъкидланишича, бундай гуноҳга на жазо, на товон бор. Бундай гуноҳкорликка бирор бир жазонинг имкони йўқ. Дунёда ҳеч бир жазо ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди”⁸⁰. Бу ўринда инсонни она заминга чексиз меҳри, уни асрашга қаратилган қатъий иродаси ифодаланган.

Атроф-муҳит тозалигини сақлаш, табиат ҳолати билан боғлиқ жараёнга ҳалал бермаслик – зардуштийлар ҳаётидаги муҳим тамойил – эзгу амалнинг бир қисми деб қаралган. Жамоа аъзолари, шу жумладан, ёшлар табиатни асраш ва гўзаллаштириш руҳида тарбияланганлар. Улар ёшлигидан кўчат ўтқазиш, уни парваришлаш, кўкаламзорлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш, ариқ ва ҳовузларни ифлос қилмасликка ўргатилган. Бу ишга ноз-неъмат, ризқ-рўз эҳтиёжи деб эмас, балки улар элпарварлик, меҳнатсеварлик, маънавий баркамоллик, бунёдкорлик қарашларини сингдириш воситаси саналган. Шунинг учун ҳам сувга тупуриш, экинни пайхон қилиш, ҳайвонлар ва қушларга озор бериш, оловни тепкилаш катта гуноҳ ҳисобланган.

Кимда-ким тириклик чоғида сувни булғаса, оловни сўндирса, теваларни ўғирлаб сўйиб юборса қаттиқ жазоланиши алоҳида таъкидланади.

“Авесто”да таъкидланишича, табиат ва инсон ҳаётининг ўзаро уйғунлиги кишиларнинг сув, тупроқ, олов ва ҳавони муқаддас билиш эътиқоди билан боғлиқдир. Зеро, бу тўрт унсур ҳар бир тирик мавжудотга муайян мавқега эга бўлиб, инсон бир умр табиатдаги барча яхши нарсаларни пок ва бус-бутун сақлашга интилиши зарурлиги таъкидланади. Чунки инсоннинг ўзи ҳам ана шу табиатнинг бир қисмидир. Бинобарин, инсонга атроф-муҳитни асраш ва гўзаллаштиришда ёвузликка, бузғунчиликка қарши тафаккур ёрдамида

⁸⁰ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.114.

курашиш насиб этган. Шунинг учун ҳам “Авесто”да табиат муҳофазаси инсон саломатлиги ва тақдири масаласига бориб тақалади.

“Авесто”даги “Видевдот” қисмида табиатга шикаст етказиш, айниқса, уни ифлослантириш инсоннинг яшаш шароитини заҳарлаши, турли хасталиклар келтириб чиқариши ер ва сув, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини авайлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Хусусан, атроф-муҳитни ифлослаш туфайли айрим ҳашаротлар, қуртлар ҳавони бузиб касаллик тарқатиши, экинларни нобуд қилиши мумкинлиги огоҳлантирилади. Жумладан, ов итини ўлдирган киши ўн минг барсум, ўн мингта руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик баргини териб бериши лозим бўлган. Шунингдек, у мингта эчкиэмар, мингта сув қўнғизи, касал тарқатувчи пашшани ўлдириб гуноҳини ювиши шарт эди. Шунингдек, ахлатлар, турли чиқиндиларни очик жойларга ташламаслик, балки уларни қўмиб ташлаш тавсия этилади.

Ариқ ва ҳовуз сувларини ифлосламаслик зарурлиги алоҳида қайд қилинади. Агар бу сувларга инсон ва бошқа жониворлар жасадлари ташланган бўлса, улар сувга тўлдириб ювилиши, уч марта ёмғир ёғиб ўтиши шартлиги уқтирилади. Бундан ташқари, муайян даражада ифлосланган атроф-муҳитни тозалашда испанд, садаф ва бошқа гиёҳлардан, оловдан фойдаланилган.

Ҳар кимнинг ҳовли ва атроф-кўчаларни озода сақлашга эътиборсизлиги ўз элига ҳурматсизлиги ҳисобланган. Агар биров эшиги олдида ёки кўчага ахлат тўплаб қўйса, йигирма беш дарра калтаклаш билан жазоланган⁸¹.

Шунингдек, “Кимда-ким ифлос ерни пок этувчини хушнуд қилса, у оташга хушнудлик бахш этади, сувни, ерни, дарахтларни, эътиқоди бут аёлу эркакларни хушнуд этади” деб алоҳида уқдирилади. Бундай одам элпарвар, жаннатий, барча ҳаёт манбаларини булғаган кимса эса халқни бездирган, дўзахий саналган.

⁸¹ Авеста: “Видевдот” китоби / М.Исҳоқов тарж. –Т.: ТДШИ нашриёт - босмаҳона бўлими, 2007. –Б.56.

Зардуштийлик таълимотида эл-юртни фаровон ва обод қилишга қанчалик эътибор берилса, уни қадрлаш ва қўриқлашга ҳам шунчалик аҳамият берилган. Ахура Мазданинг йигирма номи ва олти қасами мазмунида ҳам бу қараш бевосита ёхуд билвосита акс этади. Зардуштийлар тасаввурида кенг маънодаги ватан – бу Ахура Мазда яратган яхшилик оламини ташкил этувчи ўн олти юртдир. “Видевдот”нинг 1-фарғарида бу юртлар бирма-бир санаб кўрсатилар экан, уларнинг ҳаммаси “хушманзара”, “гўзал”, “қудратли”, “пок”, “зебо”, “ораста”, “дилкаш” каби сифатлар билан таърифланади ва “жуда кўп гўзал ва роҳатбахш ўлкалар, юртлар, ватанлар борки, уларни ҳам Ахура Мазда бунёд этган. Бу юртларда меҳнатсевар, нияти пок Инсон яшаш учун уларни бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Ахриман хуружларидан ҳимоя қилишга тўғри келади. Бу эса эл-юртни севиш ва асраш заруриятини туғдириб, ахлоқ мезонининг муҳим шартига айланган.

Бинобарин, зардуштийлар учун ватан мавҳум тушунча бўлмай, аниқ макон ва гўшадир. Кишилар ўз ҳаётларини шу ватан тақдири билан боғлаб, борликдаги мавжудотларга бефарқ қарамаганлар. Буни Ахура Мазданинг ўзи алоҳида таъкидлайди.

“Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, сувлоқлар, хонумонлар, сувлар, ерлар, гиёҳлар, замин у осмон, покиза аёллар, юлдуз, ой, қуёш, жамики мавжудотни шарафламоқ орзу аъмолимдир”⁸².

Муҳими шундаки, буларнинг ҳар бирига алоҳида олқишлар ҳам битилган. 38-гот “Заминни олқишлаймиз. Замин бизни ўз бағрига олгандир” сўзлари билан бошланиб, замин асоси ва одам тириклигининг манбаи бўлган сув юксак эъзозланади ва “Эй, сувлар! Сизлар яхшилик билан равонасиз. Хилқатни ювиб пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз. Биз сизларни эъзозлаймиз” дейилади. Бу ҳол тасодифий эмас. Негаки, сув – Ахура Мазданинг энг яхши хилқати саналган. Унинг илоҳий моҳияти олам боқийлиги, борликдаги гўзалликни сақлаш ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқдир.

⁸² Авесто. /А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.67.

2.3. “Авесто”да шахс тарбиясининг ифодаланиши

Зардуштийлик таълимотида шахс тарбияси, унинг маънавий-маърифий етуклиги ғояси асосий ўрин тутди. Бу ғоя “Авесто”, “Денкард”, (“Дин саргузашти”, “Бундахшин”, “Оламнинг яратилиши”) каби китобларда ва бошқа шарҳларда муайян воқеалар баёни, савол-жавоблар ёхуд панд-насихатлар шаклида ўз ифодасини топган. Кишилар, хусусан, ёшлар онгига ахлоқий ақидаларни сингдиришда эзгулик тамойили бош мезон вазифасини ўтаган.

Шахс камолотини таъминлашга йўналтирилган қарашлар ифодаси бўлган маздапарастлик таълимотида эзгулик мотивларини куйловчи тарбиявий ўғитлар, асосан, икки йўналишда акс этади. Биринчиси – Ахура Мазда ва Зардушт фаолияти билан боғлиқ воқеалардан чиқадиган хулосалар – сабоқлар бўлиб, у билвосита ривоятлар, илоҳий саргузаштлар талқинида ифодаланади. Иккинчиси эса бевосита панд-насихат характеридаги коҳинлар, мўъбадлар, Зардушт ўғитлари бўлиб, умумга қаратилган мурожаати шаклидадир.

Биринчи йўналиш кўпроқ “Авесто”нинг бошқа наскларида, шунингдек “Денкард” ва унинг алоҳида нусхаларида ҳамда “Бундахшин”да кенгрок акс эттирилган.

“Авесто”нинг барча қисмларидаги ахлоқий тарбияга хос бош хусусият – эзгулик ғояси орқали жамиятни маънавий соғломлаштириш, инсонни манфур ва ёмонлик иллатларидан халос этишга интилишнинг устиворлигидадир. Шу сабабли зардуштийларнинг турмуш тарзи, таълим тизими одамлар орасидаги ўзаро муносабатларининг асосий мезони ахлоқ меъёрлари эканлиги ҳам тасодифий эмас.

Зардуштийлар ҳаётида эзгуликнинг таркибий қисмларидан бири – ахлоқий тарбия ягона тизим бўлиб, унда таълим жараёни муҳим халқадир. Бу жараён асосини маздапарастлик дини ақидалари, Ахура Мазда мурожаатлари ва Зардушт ўғитларини ўрганиш ташкил этади. Айниқса, “Яшт” ва “Гоҳ”ларда бу масалаларга кенг ўрин берилган. Кишилар руҳиятига эзгу

фикр, рост сўз ва ҳалол амални сингдириш уларни ахлоқий поклаш йўли деб тан олинган. Бу фазилатлар бевосита Ахура Мазда тилидан ёхуд Зардушт томонидан баён этилади. Бунда ахлоқ-одобга илм сифатида қаралиб, тарбиячи – мураббийлар, эзгулик тарғиботчилари ўрнига алоҳида эътибор берилган. Улар “яхши” ва “ёмон” тоифаларга бўлиниб, яхши муаллимлар Яздонга яқин кишилар саналиб, “ақлу фаросат билан ёвузликка қарши курашганлари учун Ахура Мазда йўлини тутганлар”⁸³ деб ҳисобланган.

Юксак ахлоқ соҳиби шундай зотки, у Аша – Ҳақиқат билан андиша қилиб, фақат эзгулик йўлини танлайди, комиллик, абадийлик ва саодатга интилади. Бу жиҳатдан тарбиячининг ўрни ўзгача, “Ясна”нинг 32 – “Тоҳ”ида айтилганидек, “ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тесқари қилади ва тириклик идрокини хароб айлайди, одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва эзгу ниятдан баҳрасиз айлайди”⁸⁴.

Бу ўринда алоҳида диққат қаратилган икки жиҳатни таъкидлаш зарур. Биринчиси таълимнинг моҳиятини белгиловчи “илоҳий сўзлар” бўлса, иккинчиси “ростликнинг бебаҳо сармояси” ва эзгу ниятидир.

Илоҳий сўзлар – бу, аввало, Ахура Мазда номи билан ва унинг шаънига айтиладиган дуолардир, уларни “тесқари қилиш” дуруғванд-девларга қўл келишидан огоҳлантиради, шунингдек, “тириклик идроки”, “ростлик сармояси” бўлган ахлоқий камолотга путур етказиши таъкидланади. Бундан ташқари, ёмон тарбиячи назарида қуёш ва заминни икки кўз билан кўрмоқ гуноҳдир. Бу ўринда зардуштийлик таълимотида ғоят эъзозланган икки илоҳий тушунча – қуёш ва замин (ер)га бундай салбий муносабат ахлоқий тубанлик ва ёвузликка майллик нишонаси бўлиб, кишиларни покдомонликдан чалғитишга қаратилган.

“Энг даҳшатлиси, – филология фанлари доктори Ҳ.Ҳомидов ёзганидек, - ёмон муаллим иймон-эътиқодни қуйдириб, одамларни Яздон йўлидан қайтариб, жоҳиллик сари етаклайди. Ватан равнақи, одамларнинг ижодий

⁸³ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.123.

⁸⁴ Ўша манба.-Б.127.

меҳнати кўра олмайди, ер очиб, қўш ҳайдаб, экин экканлар-у боғ бунёд этганларга рашк кўзи билан қарайди, халқни эса қутлуғ анъаналаридан маҳрум этади”⁸⁵.

Зардуштийлик дини расман қабул қилинган, таълим-тарбияга эътибор янада кучайди. Ибодатхона, оташкадалар ҳузурида махсус мактаблар очилди, мадраса типигаги билим даргоҳлари ташкил қилинди, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилди: таълим жараёнига математика, астрономия, тиб илми, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлари тобора кўпроқ кириб борди: бу даврда ёшларнинг маънавий камолотига алоҳида эътибор берилди. Бир томондан, уларга зардуштийлик дини асослари, Ахура Мазданинг мурожаатлари-ю Зардушт ўғитлари ҳар жиҳатдан пухта ўқитилиб, бадий сўз асосларига суянган ҳолда “Тоҳлар” махсус ёд олинган бўлса, иккинчи томондан, уч яхши ишда сусткашлик қилмаслик: яхши фикр, яхши сўз ва яхши амални эсда тутиш; уч ёмон ишдан, яъни ёмон фикр, ёмон сўз ва ёмон амалдан юз ўгириш ўргатилган.

Ҳар бир ёшнинг покдомон, луқмаси ҳалол, қўли тўғри, некбин бўлиб вояга етказилиши кўзда тутилган. Ана шу эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб “Авесто”да тарбиячилар, муаллимлар, устоз-у мударрисларнинг бурчлари белгиланган.

Яхши устозлар “соғлом, ақл - хушли фарзандлар, жасур, доно ва турли тилларни биладиган ўғил-қизлар, элни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонлар, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган авлодни” тарбиялайди. Бундай муаллим ёшлар қалбида ўз дини, халқи, юртига меҳр уйғотади, уларни ҳалол меҳнат эвазига ризқ-рўз топиб яшашга ўргатади.

Некбинлик, покдомонлик, дўстлиг-у ҳамкорлик, ҳамжиҳатлиг-у хушравобинлик одамларга фақат яхшилик исташ ўқувчиларга донишманд устозлардан юқади, ёдгорлик бўлиб қолади. “Тоҳ” ва “Яшт”лардаги аксарият

⁸⁵ Ҳомидов Ҳ. Авестодан Шоҳномага. – Т.: Шарқ, 2007. – Б.32.

парчаларда яхшилик ёмонликка, адолат зулмга, донолик нодонликка зид кўйиб тасвирланиб, биринчиси олқишланиб, иккинчиси иллат сифатида кораланганидек, яхши устозлар нодон устозларга қарши кўйиб тасвирланган. Ёмон устоз ўз лоқайдлиги, фаросатсизлиги, уқувсизлиги, ҳунари, билими, малакасини такомиллаштириш йўлида заҳмат чекмаслиги билан ёш авлоднинг, умуман, одамларнинг зехнини ўтмаслаштирибгина қолмай, ақлини занглатади, ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабатларини заифлаштириб “маънавий жиҳатдан қашшоқлаштириб қўяди”⁸⁶.

Зардуштнинг Тангри билан мулоқоти баёнида ҳам яхши ва ёмон устозлар ҳақида мулоҳазалар мавжуд. “Ношуд ёмон муаллим ўқувчи қалбидан хирандманликни йўқотар экан, эй Яздон! Ёмон устоддан ўз паноҳингда асра”, – дейди Зардушт ⁸⁷.

Яхшилик тимсоли Аша таърифига бағишланган саҳифаларда таълим-тарбияга, хусусан, ахлоқий-маънавий тарбияга доир диққатга молик мулоҳазалар мавжуд. Шунинг учун ҳам Зардуштнинг “тарбия қилгувчилар учун аталган поёнсиз меҳр-муҳаббатингни ато айла”, – деган илтижосига кўра Аҳура Мазда одамларга қарата, “Эй, илм олмоқ ниятида узоқ-яқиндан келган инсонлар! Ёмон тарбиячи ҳеч қачон ҳаётингизни тубанлаштирмасин, девпараст дурғвандлар аврагувчи тил билан сизларни гумроҳ қилмасин” (Ясна 45 – Гох), дея огоҳлантириши бежиз эмас.

“Авесто”, аввало, таълим-тарбия ва эзгулик китобидир. Унда ахлоқ ва ахлоқсизлик, поклик ва разиллик ўзаро зид бўлиб, у эзгулик ва ёвузлик оламлари ўртасидаги курашнинг таркибий қисмидир. Бунда яхши андеша, яхши сўз ва яхши амал илоҳийлаштирилиб, бу уч асл ном билан аталган муқаддас руҳларга уч марта намоз ўқилган, буларнинг тескарисини бўлган ёвуз руҳлар эса лаънатланган. Чунки инсон комилликка интилар экан, ахлоқ ақидаларига эътиқоди бузилиб, зулмат ичида қолмаслиги учун ўз қалбида ҳақиқат ва ростлик чироғини ёқиши, жаҳолат пардасини чил-парчин қилмоғи

⁸⁶ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.127.

⁸⁷ Ҳомидов Ҳ. Авестодан Шоҳномага. – Т.: Шарқ, 2007. – Б.32.

керак, деб таълим берилган. Бу ҳол маърифатга асосланган эзгулик олами – ахлоқ дунёси билан жаҳолатга қопланган ёвузлик олами – тубанлик дунёси ўртасидаги кураш талқинларида ёрқин акс этади.

Эзгулик маъносини англатувчи сўзлар муқаддас бўлиб, уларга муносабат ахлоқий меъёрларга дахлдор ҳодиса сифатида қаралган. Шундай сўзлар қаторида “Аху” ва “Ату” сўзлари, айниқса, қадрланган, Ахура Мазда мурожаатлари таркибида уларга катта ўрин берилган. Бу икки сўз кўп ҳолларда биргаликда ишлатилиб, Олий илоҳ ва Зардуштнинг сифатлари тарзида келади ва дунёвий шодлик, жонни сақлаш, инсон умрини асраш маъноларини ифодалайди.

“Авесто”да таъкидланишича, барча эзгу сўзлар Ахура Маздага тегишлидир. Бу сўзларнинг туб моҳияти ахлоқнинг уч тамойилига ҳам “эзгу” сўзининг қўшилишида (эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал) ёрқин мазмун-моҳиятини изоҳлаб, кишиларни уларга риоя қилишга ундайди (20 – Гох). Жумладан, “Дўстликка чинакам дўст бўлганларга энг олий эзгулик муяссар бўлади”, “Аша – Ҳақиқатнинг жамики файз-шукуҳи, қудрати ҳақиқат истовчиларга муяссар бўлади”, “Ҳақиқатни алқовчиларга ҳақиқатнинг муқофоти насиб этади” кабилар.

Кишиларни эзгуликка йўллашда эзгу сўзнинг ўрни алоҳида таъкидланиб, у пок фикрнинг ифодаси ва инсон ахлоқининг таркибий қисми ҳисобланган. Шунинг учун кишиларга сўзда, мулоҳазада ва кундалик ҳаётда пок эътиқодга суяниш тавсия этилган. Хусусан, сўз ва иш бирлиги ғояси алоҳида таъкидланган.

Зардуштийлар ҳаётида сўзнинг ўрни ва қудрати, инсон шахси ва маънавиятини бойитишдаги аҳамиятига донишмандлик рамзи сифатида алоҳида урғу берилган. Субутсизлик, айтилган сўзга амал қилмаслик қаттиқ қораланган. Видевдотнинг 4 фаргарди, 2-бўлим, иккинчи қисмида Зардушт: “Эй дунёни яратувчи зот! Эй ҳақиқат! Қасамларнинг саноғи

нечтадир”, деб сўрайди. Ахура Мазда менинг қасамларим олтига бўлиб, биринчиси сўз қасамидир, деб жавоб беради ⁸⁸.

Қасамлар бошида сўз қасами туриши бежиз эмас. Чунки инсоннинг ички дунёси ва фикри, аввало, сўзда ифодаланади, иймон эътиқоди айтган сўзида ва қилган ишида акс этади. Сўздаги маъно-мазмун шахснинг ақл-фаросат даражасини белгилайди. Шунинг учун ҳам Видевдотнинг учинчи қисмида : “ким сўз қасами ёлғиз сўзнинг ўзигина деб тушунса, уни қўл қасами билан тузатиш ва унга тавон тўлатиш зарур”лиги айtilган.

“Авесто”даги эзгу сўзлар реал ва руҳий оламга баб-баравар тегишлидир. У инсоннинг жисми ва руҳини поклашга, жисмоний ва маънавий етукликка хизмат қилади. Унинг қалби эзгу ниятлар ва Тангрига садоқат туйғуларини жо этади, ёвуз кучлар кирдикорларини фoш қилади. Бунда устозлар, қoҳинлар ўғитлари ва мураббийлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, таълим жараёнида бунга катта эътибор берилган.

Инсон характерини белгиловчи 5 та асосий хусусият “Авесто”да таърифланган. Уларда иккитаси бевосита эзгу сўзга алоқадордир. Булар сўзнинг аниқ ва маъноли бўлиши ҳамда Ахура Маздага эътиқод фақат эзгу сўз билангина ифодаланишидир.

Китобда “энг муҳим сўз қайси?” саволига “бурч”, “саҳийлик”, “яхши ниятни ифодаловчи сўз” каби жавобларни учратиш мумкин⁸⁹. Шунингдек, инсон фаолиятининг моҳиятига алоқадор ўзак воситалар сифатида ақл, билим, одоб қаторида эзгу иш билан уйғунлашган эзгу сўз ҳам қайд этилади.

Қадимда кишиларнинг сўзда сеҳр бўлиши ҳақидаги қарашлари “Авесто”да ҳам акс этган. Жумладан, Видевдотнинг 21 – фарғарида сўзнинг сеҳрли кучи, хасталикларни даволашдаги ўрни хусусида фикр юритилади. Эзгу сўзлар билан даволашда олий илоҳни улуғловчи дуоларни беҳато ўқиш, ҳар бир сўзда халоскорлик мўъжизаси борлигига ишониш талаб қилинади.

⁸⁸ Ҳомидов Ҳ. Авестодан Шоҳномага. – Т.: Шарқ, 2007. – Б.32.

⁸⁹ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.-Б.127.

Зеро, эзгу сўз руҳиятга озиқ, хаста дилга малҳам, кайфиятга кўтаринкилик бағишловчи восита сифатида эъзозланган.

“Авесто”да эзгуликни ифода этувчи ва бевосита дунёвий маъно устувор бўлган сўзлар иштирокидаги ҳикматларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) таълимий-ахлоқий ўғитлар. Булар машҳур тарихий шахслар ва мураббийларнинг фарзандларга ёхуд умуман, кишиларга қарата мурожаат насиҳатларидир. Булар икки хил:

а) ўзгалар сўзларига муносабатни ифодаловчи насиҳатлар: “Эшитганларингга диққат билан кулоқ сол”, “Ёвуз ва ёлғончилар нутқига кулоқ солма”, “Бошлиқни улуғла, уни ҳурмат қил ва сўзларига кулоқ тут”, “Улуғ мартабали донишманд кишиларни эъзозла, сўзларига кулоқ сол” ва бошқалар.

б) ўзинг айтадиган сўзга алоқадор насиҳатлар: “Ҳеч кимга ёлғон гапирма”, “Ростга ҳам, ёлғонга ҳам қасам ичма”, “Аниқ гапир. Ўйламай сўйлама”, “Ўткир сўзни гапир, сўз – эзгу нутқдир. Аммо сукут ҳам бор. Сукут – нутқдан афзал”, “иккиёқлама гапирма”, “Ўзинг зарар кўрмайин десанг, йиғинларда ёлғончининг ёнида ўтирма”, “Шилқим ва эзма бўлма” кабилар.

2) таълимий-ахлоқий характердаги ҳикматларга айланган умумлашган хулосалар: “Рост сўз сендан қоладиган кутлуғ ёдгорликдир”, “Ҳақгўйлик ва ростлик Тангри одатидир”, “Ким ёлғон сўзга оғиз очса, бахт қуши ундан қочади”, “Гапирувчи нодон бўлса ҳам эшитувчи доно бўлмоғи зарур”, “Сукут – энг яхши одат”, “Овқатланиш пайтида гапирмоқ гуноҳдир” ва бошқалар.

“Авесто”нинг турли нашрлари ва таржималаридан келтирилган сўз файзи ҳақидаги ушбу намуналарда қадим аجدодларимизнинг турмуш сабоқлари умумлашган бўлиб, улар асрлар давомида халқ орасида кенг қўлланилиб келинди, баъзи ҳикматларнинг биров ўзгарган турдош вариантлари пайдо бўлди, лекин уларнинг туб моҳиятидаги “сўздаги сеҳр, шеърдаги ҳикмат” маъноси ҳозирда ахлоқий қадрият сифатида яшаб келмоқда.

Эзгулик неъматларидан кишиларни баҳраманд этишда яхши ва ҳалол амалларнинг алоҳида ўрни бор. Номукамал жаҳоннинг комиллик сари интилишида эзгу амал асосий омил бўлиб, у аввало, жаҳолат ва зулмни қоралаш, инсоннинг озод ва эркин яшашига, ижодий интилишларини қувватлашга, умуман, ҳар жиҳатдан покланишига қаратилган. Жумладан, эзгу амал “...яхши ишлаш, омонатга хиёнат қилмаслик, ожизларни қўллаш, серғайрат бўлмоқ, халқ, Ватан учун хизмат қилмоқ, меҳмондўстлик, парҳезкорлик, ёмон ишлардан юз ўгирмоқ, меҳрибонлик, инсонпарварлик, жамият қонунларига итоат этмоқ, ўтганларни эсда тутмоқ, ҳақиқат талаб бўлмоқ, беъморлар ҳолидан хабар олиб турмоқ, муҳтожларга ёрдам бериш, ўз иши ва касбига меҳр қўйиш, адолатли бўлмоқдан иборатдир⁹⁰.”

Бу амалларнинг ҳар бири киши қалбидан ёмон ниятларни қувишга, дилини равшан, иймонини бут қилишга хизмат этади. Шунинг учун ҳам эзгу амал соҳиби шу яхши меъёрларга риоя қилиши ва бошқаларни ҳам шунга даъват этиши савоб саналган. Зеро, “Ҳар бир аёл ё эр ўзи дуруст ва яхши деб билган нарсасига амал қилишлари ва бошқаларни ҳам огоҳлантиришлари ҳамда улар ҳам ўша нарсага амал қилишлари керак” (Ясна, 35-Ғоҳ). Бундай кишининг қалби пок, хулқи хуш бўлиб, ҳунар ва илм эгалласа, фойдали меҳнат билан шуғулланиб ризқи-рўзи ҳалол бўлса, унинг амали собитқадам, сўзи чин бўлади. Бу эса икки оламда ҳам энг гўзал саналган фикр, сўз ва амал бўлиб, охират мукофоти умидида улар оламни обод айлаб, унга файз бағишлаш” учун донолару нодонларга баён этилади. Олижаноб фазилатлар тантана қиладиган, адолат улуғланадиган жамият ҳаёти гўзал ҳисобланган.

“Авесто” таълимий-ахлоқий ўғитлар мажмуаси ҳамдир. Бу ўғитлар Зардуштдан ташқари шоҳлар, вазирлар ва қоҳинлар тилидан келтирилган бўлиб, кўп асрлик ҳаётӣ сабоқлар, кузатишлар ифодасидир. Сўз одоби, ота-онага ҳурмат, ёшлар тарбияси, оила ва муҳаббат каби масалаларга оид панду насиҳатларда ростгўйлик, катталарга ҳурмат, собитлилиқ, ҳалол яшаш, касб-

⁹⁰ Ҳомидов Ҳ. Авестодан Шоҳномага. – Т.: Шарқ, 2007. – Б.31.

хунарга нисбатан фидойилик, садоқат ва мурувват кўрсатиш каби фазилатлар таъсирчан баён этилган.

ХУЛОСА

“Авесто” қадим аجدодларимизнинг инсониятга туҳфа қилган бебаҳо маънавий неъмат, тарихий-қомусий ёдгорликдир. Бу асар олам ва одам ҳақидаги билимлар мажмуаси, турли фанларга оид қимматли маълумотларни ўзида мужассам этган қомус ҳамдир. Шу билан бирга бу турфа билимларнинг ҳаммасига хос муштарак жиҳат борки, у “Авесто”ни ягона ва умумбашарий, ахлоқий қарашларга бой манба сифатида баҳолаш ҳамда ўрганиш имконини беради.

Бу зардуштийлик таълимоти асосида инсоннинг ахлоқий – эстетик идеали, маънавий ҳамда жисмоний покланиш ғояси ётади.

Ушбу тадқиқотимиз объекти бўлган “Авесто”даги диний-ахлоқий қарашлар ана шу барҳаёт қарашнинг муҳим бир қисми бўлиб, айрим хулосаларни умумлаштиришга асос беради. Жумладан:

–Ахлоқ-одоб масаласи жамият ривожининг ҳамма босқичларида инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлиб келган. Инсон ақл-заковатининг узоқ асрлар давомидаги ифодаси “Авесто”нинг пайдо бўлиши ва мукаммаллашиши босқичларида ҳам диний-ахлоқий қарашлар устувор бўлиб, у умумбашарий аҳамият касб этган.

–“Авесто” – юксак ахлоқ, маърифий баркамоллик китобидир. Ундаги ахлоқ меъёрлари, таълим мақомлари кўп асрлик ҳаётий тажрибалар натижаси сифатида даврлар синовидан ўтган. Уларнинг туб моҳияти эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал тамойилларида ўз ифодасини топган. Бу тамойилларнинг ҳар бири инсонни баркамол шахс сифатида шакллантириш жараёнидаги муайян ахлоқий меъёрнинг шарти бўлиб, улар мантиқан бири-бирини тўлдиради ва бойитади. Уларнинг бари ижтимоий-сиёсий, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган.

–Ахлоқ “Авесто”да аниқ тушунча бўлиб, жамиятнинг барча аъзолари учун муқаддас бурч саналган, унинг мезонлари ишлаб чиқилган. Уларда

кишиларнинг ёши, жинси, касб-коридан қатъи назар ҳамманинг поклик мезонига амал қилиши мажбурий саналган;

–“Авесто”да қайд этилган таълим тизими ёшларга диний ва дунёвий билимларни сингдиришда оила, мактаб ва ўқув даргоҳлари ҳамда жамоатчилик ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Бунда эзгуликка ишониш, унга эътиқод сақлаш, ёмон ният ва ёвузликдан ҳоли бўлиш бош дастуруламал бўлиб, илм, ҳунар ва одоб каби фазилатлар шу йўлдаги зарурий шарт саналган;

–Баркамол шахс тарбияси “Авесто”нинг барча қисмларида бевосита ёки билвосита акс этувчи марказий масалалардан биридир. Бунда эзгулик инсоний камолотнинг бош йўли, ахлоқий тарбиянинг асосий мезони сифатида изоҳланади;

–“Авесто”да таълим тизимининг ҳар бир босқичи илм ва ҳунар, жисмоний ва ақлий фаолиятнинг ўзаро узвийлиги асосида қурилган. Бу жараёнда ота-она, устоз-мураббий ва жамоатчиликнинг ўрни алоҳида таъкидланиб, ҳар бирининг ёш авлод тарбиясидаги бурчи ҳамда масъулияти умумжамият манфаатларига дахлдор деб саналган, яхши устоз қанчалик улуғланса, ёмон тарбиячи шунчалик лаънатланган;

“Авесто” таълимий-ахлоқий ўғитлар мажмуаси ҳамдир. Унда сўз одоби, ота-онага ҳурмат, ёшлар тарбияси, оила ва муҳаббат каби масалаларга оид панду насиҳатларда ростгўйлик, катталарга ҳурмат, собитлилиқ, ҳалол яшаш, касб-ҳунарга нисбатан фидоийлик, садоқат ва мурувват кўрсатиш каби фазилатлар таъсирчан баён этилган.

“Авесто” тарихий-қомусий ёдгорлик, эзгулик, бошқача айтганда Инсон ва ҳаёт ҳақидаги илмдир. Бу асарнинг ёш авлод учун аҳамияти, аввало, унинг узоқ ўтмишда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари умумбашарий қадриятлар билан доимо узвий боғланиб кетганини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлгани учун ҳам қимматлидир.

Демократик ҳуқуқий жамиятни қарор топтириш жараёни давом этаётган бугунги шароитда янгича ижтимоий муносабатларни шакллантириш

маданий мерос, жумладан “Авесто” сабоқларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Зеро, жамият аъзолари, хусусан, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишларида аجدодлар анъанаси ва ўтмиш қадриятлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Илмий назарий ва методологик адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.—Т.:Ўзбекистон, 1998.- 686 б.
- 2.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т.:Шарқ, 1998. - 280 б.
- 3.Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 32 б.
4. Президент И.А. Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиши маросимидаги нутқи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001.-№ 6. — Б.3 - 7.
- 5.Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.—Т.: Маънавият, 2008.-176 б.

II. Манбалар

6. Абу Райхон Беруний. Осор ул - боқия, анал қурун ал-ҳолия // Танланган асарлар: Т.І. —Т., Фан, 1967. — 486 б.
7. Авеста: “Видевдот” китоби / М.Исҳоқов тарж. —Т.: ТДШИ нашриёт - босмахона бўлими, 2007. - 96 б.
8. Авесто: Яшт китоби /М.Исҳоқов тарж. —Т.: Шарқ, 2001. - 126 б.
9. Исҳоқов М., Жўраев Ш. Авесто-эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал китоби. — Хива, 2008. - 24 б.
10. Қаюмов А.П. Хурдо Авеста / А.Қаюмов, М.Исҳоқов, А.Отахўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. —Т.: Ёзувчи, 2000. - 232 б.

III. Хорижий нашрлар:

11. Абаев В. И. Религиозная реформа Зороастра. —М.:Наука 1956. - 143 с.
12. Абаев В. И. Скифский быт и реформа Зороастра. —М., 1956. - 245 с.
13. Авеста: Видевдот /Пер. И.М. Стеблен-Каменского. — М.: Наука, ГРВЛ., 1994. -175 с.
14. Алиев И. История Мидии. — Баку: Изд. АН. АзССР, 1960. — 361 с.

15. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы.— М.: Наука, 1960. - 523 с.
16. Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верование и обычаи. — М.: Наука, ГРВЛ., 1988. - 278 с.
17. Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы. — М.: ГРВЛ., 1972. - 414 с.
18. Валентинов Е. Родина Заратустра // Поиск. — М., 1990. — № 7.- С. 11-13.
19. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средновековая история — М., 1972. - 664 с.
20. Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. — М.: Наука, ГРВЛ., 1982. - 133с.
21. Дрезден М.Ж. Мифология древнего мира. — М.,1994. (Раздел Иранская мифология) - 234 с.
22. Зороастрийские тексты. // Чтение, перевод и комментарии О.М. Чунаковой. — М., 1996. - 147 с.
23. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. —М., 1992. - 393 с.
24. Лившиц В.А. Предисловие к книге “Авеста. Избранные гимны” / Пер. И.М.Стеблин — Каменского. — Душанбе, 1990. -175 с.
25. Маковельский А.О. Авеста. — Баку, 1960. -144 с.
26. Массон В.М., Сарианиди В.И. Терракотовые статуэтки Туркменистана. — М., 1982. - 186 с.
27. Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. —Т..Изд-во журнала «Санъат», 2010. - 255 с.
28. Соколов С.Н. Духовность культура // История таджикского народа. Т. I. — М.: ГРВЛ., 1963. — 596 с.
29. Токарев С. А. Ранние формы религии. — М., 1990. - 622 с.
30. Толстов С. П. Древний Хорезм. —М.: Изд. МГУ, 1948. — 352 с.

IV. Маҳаллий нашрлар:

31. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. —Т.,2000.-221 б.
32. Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. —Т.: Шарқ, 1999. -144 б.
33. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. —Т.:

- Шарқ, 1996. - 144 б.
34. Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: Тошкент ислом Университети, 2001. - 432 б.
 35. Исҳоқов М. Марказий Осиё халқларининг қадим ва илк ўрта асрлардаги маънавий ва маърифий ҳаёти ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. –Т.: Фан, 2005. - 286 б.
 36. Исҳоқов М. Қадимги давлатчилигимиз тарихидан // Таълим муаммолари. 2006. – № 1. – Б.18-19.
 37. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. - 660 б.
 38. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. Авесто / Асқар Маҳкам таржимаси нашрига илова. – Т., 2000. - 384 б.
 39. Нитше Ф. Зардушт таваллоси // Тарж. И. Ғофуров. – Т.: Янги аср авлоди, 2007 . - 348 б.
 40. Тоҳир Карим. Муқаддас Авеста изидан. – Т.: Чўлпон, 2001. - 176 б.
 41. Умарзода М. Авеста сирлари // Жаҳон адабиёти. –Т .,1997. – № 4 . – Б.7.
 42. Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. - 96 б.
 43. Ҳомидов Ҳ. Авестодан Шоҳномага. – Т.: Шарқ, 2007. - 320 б.
 44. Халмуродов Б.Р. Фарғона водийси ўзбекларининг демонологик қарашлари тизимида дуализм. ЎзМУ Хабарлари. –Т., 2011.–№ 1. –Б.116 -117.
 45. Ўзбекистон миллий энциклопедияси : Т.1: А-Бешбалиқ. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б. 65 - 66.
 46. Шарқ ва Ғарб: Зардуштийлик ва Авестанинг Ғарб дунёқарашига таъсири // Халқаро илмий-назарий семинар материаллари. – Наманган, 2001. - 78 б.
 47. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002. - 240 б.
 48. Эшмуродов М. Авестада табиат культлари талқини. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2002. - 97 б.

Атамаларнинг изоҳли луғати

1. Анаҳита – Ардви Суранинг “покиза, тоза” маъносини англатувчи доимий сифати. Бу сифатда Ардви Суранинг ўсимликлар, наботот ҳомийси, ҳосилдорлик, фаровонликни таъминлаш вазифалари ҳам қўшилиб кетади. Ардви Сура сопол ҳайкалчалари қўлида анор, бир тутам кўк новда тасвирланган. Аноҳид табиатнинг ўлмаслик рамзи ҳамдир.

2. Аша – Ҳақиқат. Аша Вахишта - Ақл идрок, ҳақиқат, илоҳий тартиб нозири, итоаткорлик ва интизом малоикаси.

3. Аши – руҳий нур, омад илоҳаси, эзгу ниятлар рўёби.

4. Воҳу - Мана – Эзгу ният, чин кўнгиллилик.

5. “Гох”лар – Зардушт бадиҳа йўли билан яратган даъват сўзлари. “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “Гох” – қўшиқ сақланган.

6. Дазна(дин) – илоҳийлаштирилган образ бўлиб, у эътиқодда қоимлик, инсон қалбининг тарбиячиси ҳисобланади.

7. Даҳйу – юрт, мамлакат.

8. Дурудж – энг катта гуноҳ (“Ёлғон”нинг “Авеста”даги номи), Драуганинг бир шакли. Дурудж на фақат ахлоқий, балки фалсафий ижтимоий тушунча. Ёлғон Аҳура Мазда яратган эзгу Ҳақиқат-Артанинг антиподи.

9. Ёлғончи – зардуштийликда ҳақиқат, ҳақ ва худони тан олмайдиган кофир зот бўлиб, дуруғбанд деб ҳам аталади.

10. Маздаясна – Маздага сиғинувчи бандалар.

11. Муғ, муъбад – “Авесто”да Мазда дини пешвоси.

12. Отар (оташ) – олов илоҳи. Ахура Мазданинг ўғли. Табиат ва инсонлар танасидан жой олган.

13. Рашну – адолат ва низом фариштаси. У дунёда сўроқ чоғида гуноҳу савобларни ўз тарозисида ўлчагувчи зот.

14. Спэнта Армаитий - осойишталик, муқаддаслик рамзи.

15. Сраоша – намоз ва эътиқод ишлари нозири ҳисобланувчи маъбуда.

16. Хаурватат – тани соғлик, яралиш, бутунлик.

17. Хварно – илоҳий бахт, омад рамзи.

18. Хшатра Варйа – Шаҳриёр, куч-қудрат, адолатли ҳокимият.

19. Шараф уйи – зардуштийликда жаннат шундай номланади. Бу ерда худолар ҳамда тақводорларнинг руҳлари қуршовида Аҳура Мазда туради.

20. Эран юртлари – “арийанам ваежу ” сўзининг “арийан ” қисмини қадимий туркий “эран” сўзи билан ҳам боғлаш мумкин. Қадимий авестача “арийан” қадимий туркий “эран” бир хилда “қаҳрамонлар”, “пахлавонлар”, “қудратлилар” маъносига эга.